O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✲ 2000 йил, 30 июнь, № 23 (258) ✲ Жума кунлари чиқади ✲ Сотувда эркин нархда

Бугунги сонда:
2-бет: Инсофсизга эрк берсанг...
3-бет: Қайнона ҳам она
4-бет: Ҳиёнатнинг кўчаларида

СУҲБАТДОШ БЎЛИШ ОСОНМИ?

ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИНИ ЎҚИБ...

... Ўша куни эрта тонгданоқ Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи одамлар билан гавжум бўлди. Ушбу ажойиб сўлим гўшада мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари-сўз заҳматкашлари ўз касб байрамларини тантанали равишда нишонладилар.

Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамраиси Хуршид Дўстмуҳаммад мамнунлик билан ўртани очиб, журналистларга эзгу тилаклар билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳайриддин Султонов эса юртбошимиз Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирганда йиғилганларнинг, шахсан менинг ҳам кўнглим ифтихор ҳисларига тўлиб-тошди.

«Бу кун нафақат журналистлар, матбаа ва радиотелевидение ходимлари, балки ҳаётимизда эзгу мақсадлар йўлида эришаётган натижаларимизда матбуотнинг ўрни ва мавқеини эътироф этадиган ва қадрлайдиган ҳар бир юртдошимиз учун ҳам муҳимдир...»

Ҳа, дарҳақиқат бугунги кунда оммавий ахборот воситалари демократлаштириш йўлининг, ислоҳотлар йўлининг фаол тарғиботчисига айланиб бормоқда. Табрикда таъкидлаб ўтилганидек, оммавий ахборот воситалари жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий руҳий ўзгаришлар, демократик тамойилларни шакллантиришдек улуғвор ишларнинг фаол иштирокчиси, одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғонишга даъват этадиган доимий хамроҳимизга айланмоқда.

Ҳаётнинг ўзи бугунги кунда оммавий ахборот воситалари олдига элимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, Ватанимиз равнақи ва фарзандларимиз камолоти каби буюк вазифаларни қўймоқда.

Дарҳақиқат, «тўртинчи ҳокимият»да қанчалик ютуқлар бўлса ўзимизники: бу билан фархланамиз, албатта. Лекин оммавий ахборот воситалари бугунги таҳликали замонда ҳар қайси онгли инсон, ёши, касб-кори, лавозимидан қатъи назар ўзига руҳан яқин, қувончу ташвишлари, дарду ғамига шерик бўладиган бир субҳатдош бўла оляптими? Улар халқнинг ўй-ташвишлари билан нафас оляптими? Яна табрикдаги сўзлар ёдга тушади: «Айни вақтда шуни яхши англаб олиш зарурки, бизнинг нозиктаъб, кўпни ўйлантирадиган, ҳаётимизнинг ҳар соҳасини қамраб олган, ҳаётий муҳим масалаларимизга ҳеч бепарво қарамайдиган, ҳеч бир ишимизнинг ҳисобини ўзимиздан ва ҳалқимиздан яширм

Туркум

ЮРТНИ АРДОҚЛАСАНГ – АРДОҚЛАЙДИ ЮРТ

8. ТОЛЕ ЮЛДУЗИ

Тушида юлдуз кўрган одамга толеи ёр бўлармиш...

Дўстмурод ғаройиб туш кўрди: самода милт-милт қилаётган бир юлдуз тобора улканлашиб, худди қуёшдек нур сочармиш. Шу пайт оёқлари остида нурли зиналар пайдо бўлибди. Бу мўъжизага ҳайрат билан боққанча секин юқорилай бошлабди. Бир маҳал пастга қараса, ҳовлисидан ҳам ажиб нур таралиб, бутун Эшонқора қишлоғи ёришиб турганмиш! Янада баландроққа чиқса, Рўзиқул Маҳмонов номидаги хўжалиги, сўнгра бутун Пахтачи тумани кафтдек кўринибди. Бундан жуда завқланиб, юқорилашда давом этибди. Шунда бир улуғ шоир ёзган манзара яққол намоён бўлибди. Ану билан Сир дарёлари Ўзбекистоннинг иккита зар кокили бўлиб кўринаркан. «Икки дарё ювар кокилин» деб ёзгани бежиз эмаслигига имон келтирибди.

Бепоён Ўзбекистон жаннатнинг ўзгинаси! Худди боғи биқиштнинг ўзгинаси! Буғдойзорлар олтиндек товланса, пахтазорлар оппоқ парқу кўрпага ўхшайди. Чаросдек очилган чаноқлар баракадан дарак беради. Пахталардан ярадган хирмонлар билан ўркач-ўркач тоғларни ажратиш қийин. Тоғлар ва тоғдек хирмонлар гўё бутун коинотни кўтариб турганга ўхшайди. Болга тўла боғлардан таралаётган бўйлар сармаст қилиб қуяркан. Уста боғбонларнинг дув-дув ҳангомаси-ю болариларнинг ғув-ғув қилиб учишида қандайдир уйғунлик бордек. Меҳнаткашлик бобида чумолига ҳам ўхшаб кетади одамзод. Бошқа жонзотлар билан ҳам басма-басига меҳнат қилаверади. Қимирлаган қир ошар, деганларидек осмону фалакдан туриб рўйи замин узра жамики жонивор-ларнинг ғимирлаб юрганини кўриш мумкин. Бепаён дала-дашт, қирадирларда қўй-қўзиларнинг чеки йўқ.

Чашмаю булоқларидан ҳаётнинг ўзи қайнаб чиқаётганга ўхшайди. Олтин, нефт, газ ва бошқа табиий бойликлари ҳам ўша булоқлардан қолишмаскан. Эҳ-ҳе, бул замин бойликларини санайверсанг ҳисобчининг чўти ҳам ожизлик қилиб қоларов.

Гўёки қуш каби парвоз эта бошлаган Дўстмурод ака бул ажиб манзаралардан сармаст бўлиб, беихтиёр ҳайқириб юборди: «Ў, онам, онажоним – Ватаним менинг! Сендек жаннатмакон юртга муносиб бўла олсам бас!..»

У шу сўзларини такрор-батакрор айтаётиб, ҳалиги порлоқ юлдуз томон интилди. Олмосдек ярқираб турган юлдузни маҳкам қучганча нурли зиналардан бир-бир туша бошлади. Ҳовлисидаги катта ишком ёнида ширингина жилмайиб туришган умр йўлдоши Жангул, қизлари Манзура, Назира, Марғуба, Чаросхон, ўғиллари Зафар, Ҳамза ва Лазизни кўриб қувониб кетди. Кўзлари мунчоқдек набиралари ҳам ҳайрат ила боқиб турганмиш. Уларга қарата «Сизларга бахт юлдузини олиб келяпман!» деб қичқирмоқчи бўлди. Бироқ, ҳаёт аравасини ҳамиша у билан тенгма-тенг тортаётган рафиқаси илгарироқ зўр гап айтиб қолди: «Бахт юлдузини осмондан излашингизга ҳожат борми? Ҳаммаси ўзимизнинг заминда, жаннатмакон юртимизда-ку!! Бахт юлдузи бугун сизга насиб этади!» Шунда у нимадир демоқчи бўлганида... уйғониб кетди. Уйғонди-ю, кўрганлари туш эканига ишонгиси келмади. Ахир ҳаммаси ростга ўхшайдику? Нурли зинани ҳисобга олмаганда, ўша кўрганларининг бирортаси мўъжиза эмасдек!..

Тонг ёришавергач, қорамтир деворлар қатор теракларга айлана бошлади. Дўстмурод ака аста ўрнидан туриб нечундир кўкка умидвор боқди. Тушида кўрган юлдузи ўрнида чиндан ҳам Зуҳро ҳамон чўғдек порларди.

Ғаллачилик бригадаси бошлиғи Дўстмурод Абдуллаевни ўша куни қандай бахт қутаётганидан ҳали ўзи бехабар эди. Кирза этигини кийганча «Тошчайла» даласи томон ошиқди. 330 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 55,4 центнердан сара дон етиштириб олишгач, ўрнига кузги экинлар экиш тараддудида эди. Дизелчи Шамсиддин Йўлдошев билан ҳол-аҳвол сўрашиб, унга топшириқ берди. Оби-тобида шудгор бўлаётган бўрсилдоқ ерда бир-бир одимларкан, нечундир яна ўша юлдузни эслади. Чексиз осмонни чулғаган оташда қуёшдан ўзга самовий жисм кўринмасди. Шу пайт дала бошида икки киши кўринди. Дўстмурод ака яқинроқ бориб таниди: бири ҳамқишлоғи Ўткиржон Норқулов, иккинчиси туман ҳокимлигидан Мирпўлат Қунузоқов. Иккисининг ҳам чеҳрасида ажиб ҳаяжон.

– Хушхабар келтирдик, Дўстмурод ака! – Ҳаяжон билан гапирди Ўткиржон. – Ўзбекистон Қаҳрамони унвони муборак бўлсин!

– Унвон билан бирга Олий нишон – «Олтин юлдуз» медали ҳам муборак бўлсин! – Қўшиб қўйди Мирпўлат ога.

Дўстмурод ака беихтиёр кўкка қаради. Само султони қуёш ҳар қанча нур сочмасин, худди ўша тонг юлдузи ўрнида ўзининг Олтин юлдузи порлаб кўрингандек бўлди. Демак, кўрганлари туш эмас, асли ўз тақдиридаги толе юлдузи экан! Ҳамиша узоқни кўзлаб гапирадиган жуфти ҳалоли ҳатто тушига кириб айтганлари ҳам чин экан! Ўзининг Олтин юлдузидан таралган нур бутун қишлоғига, Юртига татийди!..

Хушхабарнинг қаноти бор, деганлари шу-да. Қишлоғига келса, ҳовлиси олдида тумонат одам. Бу янгиликни радиодан эшитганлар табриклашга келишган экан, Эшонқора қишлоғида тўй бўлиб кетди!.. 1999 йилнинг 3 августи Дўстмурод Абдуллаевнинг ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолди.

– Яширишга ҳожат йўқ, оддий меҳнаткаш одам учун Юртбоши билан юзма-юз суҳбат қуриш ҳам жуда катта бахт, – дейди камтарлик билан Дўстмурод ака. – Оқсарой қароргоҳида Президентимизнинг қўлларидан унвон ва «Олтин юлдуз»ни қабул қилиб оларканман, она Ватанимга, халқимга бўлган меҳр-муҳаббатим минг бора ошди. Меҳнат қилган элда азиз, деганларидек, ҳеч кимнинг меҳнати беэътибор қолмаскан. Ватан тупроғини кўзимизга суртсак арзиркан. Юртни ардоқласак, юрт ҳам ардоқларкан! Ўша лаҳзада кўнглимдан кечган ўйлар ҳақида айтайми? Юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукмрон бўлса, барчамиз бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилсак албатта муродимизга етарканмиз. Ватанимизни чинакам жаннатга айлантириб юбориш қўлимизда! Ўзбекистон келажаги буюк давлат, деган улуғ башорат замирида оламча маъно бор экан. Ўша буюклик салтанатига етишиш барча юртдошларимизга насиб этсин, дея яратганнинг ўзидан сўрагинг келади. Кимлардир бундай дориломон кунларни армон ила тушида кўрар, аммо жаннатмакон юртимизга содиқ бўлиб, ҳалол меҳнат қилаётганларга шундай бахт ато этилишига барча шоҳид!..

Умри далада деҳқончилик билан ўтган Абдулла бобо Султонов ўғли Дўстмуроднинг бахтини ҳалол меҳнатдан топишини орзу қилган албатта. От изини той босар, деганларидек Дўстмурод вояга етгач, ер билан тиллашиб, кетмон билан беллашадиган бўлди. Техника асрида деҳқоннинг ҳам куни кетмонга қолмаскан. Ўқиган, техника тилини билган ютаркан бу замонда. 1973 йили Самарқанд механизация техникумини имтиёзли диплом билан тамомлаб келгач, хўжалик механиги сифатида фаолиятини давом эттирди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаш қизиқ-да. Сенинг касбинг, вазифанг билан ончалик ҳисоблашиб ўтиришмайди. Қўлингдан келса бас, зарур ишни бажараверасан. Дўстмурод ҳам ҳеч бир ишда «тарози боши»га қараб ўтирмасди. Зарур юмуш чиқса астойдил енг шимариб ишга киришаверарди. У ишдан ажралмаган ҳолда Самарқанд қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетига сиртдан ўқишга кирди. Тўртинчи курсга ўтиб, анча-мунча мутахассис бўлиб қолганида унга участка агрономлигини ишониб топширишди. Сўнг, у ғаллачилик соҳасини ривожлантиришга киришди.

– Уруғни экиб қўйганинг билан у бугдойга айланиб қолиши амри маҳол, – дейди тажрибали ғаллакор. – Ғўдакни парвариш қилган мисол майсага меҳр билан қарасангиз кўзланган мақсадга эришасиз.

Сўзи билан иши бир бўлган Дўстмурод Абдуллаев аллақачон эл ишончига сазовор бўлган. Шу йил март ойида катта ишонч билан уни Рўзиқул Маҳмонов номли ширкатлар хўжалиги бошқаруви раиси этиб сайлашди. Энди у янада ғайрат-шижоат, ташаббускорлик билан меҳнат қилиши, элим деб, юртим деб куйиб-ёниб яшаши лозим!..

Хўжаликда оз эмас – 2500 гектар экин майдони мавжуд. Буғдой экиладиган 700 гектарнинг қарийиб тўртдан бир қисми даштда – лалми ерлардир. Бироз қурғоқчилик келган йили бунақа жойда ғалла ундиришнинг ўзи бўлмайди. Шундай бўлса-да, бу йил ўша лалми ернинг ўзидан 32 центнердан сара дон етиштирилди. Ҳосилдор ерларда эса бу рақам 50 центнердан ошмоқда. Ғалнинг сирасини айтганда бу хўжаликда етиштириладиган ҳосил туман хирмонинг чорак фоизини ташкил этаркан. Бу улуғвор ишда Наби Мамадиёров бошлиқ бригада ғаллакорлари, Темур Уркинов, Холбек Авазов, Олмос Орзиқулов, Ғолиб Ғаниевлар бошлиқ звенолар, Нурмамат Жўраев, Носир Йўлдошев сингари комбайнчилар, Очил Кўчқоров, Мавлон Санақулов каби механизаторлар шижоат кўрсатишаётир.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

Ташвишлари анча ортган қаҳрамонимиз эндиликда ғалла билан бир қаторда хўжаликда пахта, мева, узум ва бошқа маҳсулотлар ҳам етиштириш учун чинакам саъй-ҳаракат қилиши лозим. Бу борадаги режалар ҳам ортиғи билан уддаланиши зарур.

Хўжалик раҳбари фақат маҳсулот етиштириш билан машғул бўлади, деганлар янглишади. У аввало ўз элига бош-қош, таъбир жоиз бўлса – Ота бўлмоғи лозим. Ун мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган хўжалик ҳудудидаги ҳар бир қишлоқ, ҳар бир оила мудом унинг диққат-эътиборида бўлиши шарт. Зотан, одамлар ташвиши, келажаги билан яшаган раҳбаргина эл ишончига сазовор бўлади.

Меҳнатидан бахт топган Дўстмурод аканинг орзулари оламча бор. У ҳар бир оилани фаровон, хонадонларни чароғон кўришни хоҳлайди. Бу хоҳиши ижобат бўлиши йўлида кураш-дан чарчамайди.

Қоронғи туша бошлаган маҳал хўжалик раҳбари дала кезарди. Осмонда милт-милт қила бошлаган юлдузлардан порлоқроқ Олтин юлдузи унга мадад берарди. Йўл-йўлакай ғўза пайкалларини оби-ҳаётга қондираётган сувчиларга «ҳорманглар!» деди-да, нечундир бир зум кузатди.. Ишларидан ончалик қониқмади, чамаси, палахса-палахса қилиб ўйилган чимларни раис ўз қўли билан эгат бошига ўрната бошлади. Эллик ёшида ҳам йигитлардек эпчил ҳаракат қилаётган қаҳрамонимизнинг саъй-ҳаракатлари шоир Муҳаммад Юсуф битган бир шеърга жуда монанд эди:

Сен ҳамиша ҳақ томонсан,
Сен ҳақиқат томонсан.
Инсонларни эзгуликка
Етакловчи сарбонсан.
Ўзинг табиб, ўзинг бемор,
Ўзинг малҳам давосан,
Бағрикенг осмоним менинг,
Бободеҳқоним менинг.
Мен ҳам сенинг тузу нонинг,
Ичиб юрган болангман.
Пайкалларда сен билан сув кечиб юрган болангман.
Бу сенга қўшиғим менинг
Бободеҳқоним менинг!..

Тўлқин ЭШБЕК.

Ислоҳот ва самара

ЙЎЛДОШИ КЎПНИНГ ҚЎЛДОШИ КЎП

Бугун мустақил мамлакатимизда омилкорлик билан иш юритиб, ҳам ўзига, ҳам элга нафи тегаётган корхоналар кўп. Косон ёғ-экстракция очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси аҳил, иноқлик билан меҳнат қилиб, иқтисодий тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Ҳиссадорлик жамиятида 1981 йили 450 киши ишлаган бўлса, бугунга келиб ишчи-хизматчилар сони 871 кишини ташкил этмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, ўтган йиллар мобайнида бу ерда ишлаб чиқариш суръатлари ортиб, меҳнат аҳлининг моддий фаровонлиги сезиларли даражада яхшиланди. Бунда ҳиссадорлик жамияти раиси Тўра Холмирзаевнинг ҳиссаси беқиёс.

Биз яқинда ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш мақсадида бу ерда бўлдик. Чор атрофдаги саришталик, тартиб интизом ва одамларнинг муносабати ҳавас қилгулик. Биноларда асбоб-ускуналар бир маромда ишламоқда. Ишчи-хизматчилар махсус кийим бош билан таъминланган. Айниқса, экстракция цехида иш қизғин. Шу ерда ўрта бўйли, қотмадан келган 40 ёшлар чамасидаги кишини суҳбатга тортдик.

– Мен экстракция цехи бошлиғи Шуҳрат Хўжаловман, – деди ҳалиги киши. – Цехимизда 46 нафар ишчи меҳнат қилади. Ҳар куни 50 тоннагача қора ёғ ишлаб чиқаришга эришаяпмиз. Меҳнат қилишимиз учун шароит етарли бўлса, хом ашё бўлса, яна нима ҳам керак, ойликларни вақтида олаяпмиз.

Айни пайтда жамиятда 21 та цех фаолият юритмоқда. Бош ишлаб чиқариш цехида 16 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Норой Ҳасанова шуларнинг бири.

– Жамоа менинг иккинчи уйим, – дейди у мамнуният билан. – Раҳбаримиз Тўра Холмирзаев завод цехларида узоқ ишлаганликлари учунми, биз ишчилардан ҳар қандай ёрдамни аямайди. Ҳар ойда 13 минг сўмгача иш ҳақи оламиз. Барча сменада ишлайдиганлар учун машина ажратилган. Ишга олиб келиб иш тугаши билан уйга элтиб қўяди. Ҳамма қулайлик муҳайё.

Дунёда касбларнинг ёмони бўлмайди. Инсон ўз касбикорини нечоғли ардоқласа, касби ҳам уни улуғлайди. Экстракция цехи ишчиси Маҳмуд Қораев, таъмирловчи Муҳаммад Шарипов, ёғ олувчи Муҳтарам Маматқулова, Гултоза Омонова каби ўз касбининг фидойилари шу боисдан ҳам жамоанинг фахри хисобланади.

Дарҳақиқат, қаердаки, жипслик, меҳнат аҳлига қулайлик яратилар экан ўша жамоада ютуқлар ортиб бораверади. Ҳиссадорлик жамиятида ўтган йили ҳам яхши кўрсаткичларга эришилди. Корхонанинг тўла қувват билан ишлаши таъминланиб, 15 минг 620 тонна тозаланган ёғ, 51 тонна 168 тонна чорва моллари учун шрот, 1022 тонна хўжалик совуни, 59 тонна сариёғ, 34 тонна сут ва 16 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бунинг эвазига 4 миллиард 865 миллион 428 минг сўм даромад қилинди. Шундан соф фойда 37 миллион 525 минг сўмни ташкил этди. Айни пайтда жамоада ҳар бир кишининг ўртача иш ҳақи 13 минг сўмга етди. Самарали меҳнат натижалари жамоа ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга ёрдам бермоқда. Бу ерда энг аввало меҳнат кишисига ғамхўрлик кучайтирилаяпти, олинаётган фойда ҳисобидан ҳиссадорлик жамияти аъзоларига дивидентлар ўз вақтида тўлаб бориляпти.

«Эртанинг режасини бугун туз», дейди доно халқимиз. Шу маънода ҳиссадорлик жамияти аъзолари амалдаги йилда улуғвор мақсадлар йўлида меҳнат қилишяпти. Йил якунигача 2 миллиард 880 миллион сўмлик сифатли маҳсулот яъни 12 минг 100 тонна тозаланган ёғ 1030 тонна хўжалик совуни ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш мўлжалланган. Жорий йилнинг биринчи чорагида белгиланган режалар ошириб адо этилди. Масалан, 3753 тонна тозаланган ёғ, 12 минг 900 тонна шрот, 341 тонна хўжалик совуни, 12 тонна сут маҳсулотлари тайёрланиб, аҳолига сотилди.

Меҳнат ва технологик интизом яхши йўлга қўйилгани, меҳнатга муносабат ижобий томонга ўзгариб бораётгани туфайли ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кескин ортди. Натижада ҳар кеча-кундузда 628 тонна пахта чигити, 490 тонна соя донини қайта ишлаш имконияти яратилди. Ҳиссадорлик жамияти пахта чигитини қайта ишлаш учун экстра бензин сарфини анча камайтириш бўйича республикада энг юқори ўринга чиқиб олди. Оқибатда 438 тонна экстра бензини тежаш билан ўтган йили 211 тонна тозаланган ёғни режадан ошиқча ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди.

Ҳиссадорлик жамиятида бозор иқтисодиёти шароитида янги ишчи ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. 1999–2000 йилнинг шу даврига қадар цехлар кенгайтирилиб, 123 нафар ёшлар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди.

Шунингдек, бу ерда чет эллик ҳамкорлар билан алоқани мустаҳкамлаш борасида ҳам ижобий қадамлар қўйилди. Ҳозирги вақтда Польша Республикасининг «Полан-Импекс» фирмаси билан ҳамкорликда ўсимлик ёғини полиэтилен идишларга қуядиган «Узполойл» қўшма корхонасини ишга тушириш устида иш олиб бориляпти. Агар ушбу қўшма корхона ишга туширилса, ҳар ойда 1 миллионта идишга ёғ қадоқланиб, рақобатдош, экологик жиҳатдан тоза, истеъмол учун ҳар томонлама фойдали бўлган маҳсулот хорижга экспорт қилинади. Бу эса биринчидан, корхонанинг иқтисодий аҳволини тубдан яхшиласа, иккинчидан ўнлаб ишсиз фуқаролар иш билан таъминланади.

Юқорида айтганимиздек, ишнинг унуми энг аввало шароитга боғлиқ. Ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшмаси ташкилоти ишчи-хизматчиларни самарали фаолият кўрсатишлари учун бу борадаги муҳим чора-тадбирларни кўрмоқда. Ҳозирги пайтда жамиятда 100 ўринли чойхона, барча цехларда иссиқ-совуқ сувли душ ишлаб турибди. Маданият масканида халқ байрамлари, бошқа муҳим тадбирлар етук санъаткорлар иштирокида ўзига хос тарзда нишонланаяпти.

Ҳиссадорлик жамиятида 230 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Улар тиббий кўрикдан ўтиш ёки саломатликларини муҳофаза этиш ташвишини чекишмайди. Чунки жамиятнинг ўзида тиббий қисм фаолият кўрсатмоқда. Икки йилдирки, аёллар бу ерда бепул даволанишяпти. Ҳадемай бу ерда янги профилактория ишга туширилса, ҳиссадорлик жамияти барча аъзоларининг ҳам даволаниб, ҳам дам олишларига имкон яратилади. Ўтган йили ана шу мақсадлар учун 10 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, 713 нафар ишчи-хизматчиларга 5 миллион 110 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Халқимизда «Саҳоватнинг етти дарвозаси бор» деган ибора бор. Бу бежиз айтилмаган. Жамият маъмурияти ногиронларга, етим-есирларга ҳайр-эҳсон улашиш, уларни кўнглини кўтариш, моддий ёрдам бериш тадбирларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. «Соғлом авлод йили»да ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшмаси ташкилоти ташаббуси билан Қарши шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига кийим-кечак, ўқув қуроллари ва уй-рўзғор буюмлари ҳадя қилинди. Туман «Соғлом авлод учун» жамғармасига 200 минг сўм хайрия сифатида ўтказилди.

Дарвоқе, ҳиссадорлик жамиятида ободонлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Бу ишда хусусан тадбиркор раҳбар Тўра Холмирзаевнинг қизиқиши, экологик қонунларни билиши қўл келаяпти. Унинг бевосита саъй-ҳаракати билан корхона атрофи, ҳовли ва ошхоналарга мармар плиталар ётқизилди. Бундан ташқари, барча цехлар атрофи ва йўлаклар ёқаларида корхона ҳавосини янада яхшилаш учун мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Тозалик ва ободончилик бўйича республика «Экосан» жамғармаси, «Ёғмойтамакисаноат» фирмаси ва тармоқ касаба уюшмалари ташаббуси билан ўтказилган танловда ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг бу борадаги олиб бораётган ишлари фахрли иккинчи ўринга муносиб кўрилди ҳамда бир қатор йўлланмалар билан тақдирланишди.

Ҳа, жамиятда ҳали қилинажак ишлар кўп. Бошланганлари эса беҳисоб. Мақсад эса битта. Аҳолига сифатил маҳсулот етказиб бериб, ортиқчасини жаҳон бозорига чиқариш. Буни жамият раиси Тўра ака Холмирзаев ҳам рад этмади.

– Дўстинг билан дилдош бўл, қилар ишига қўлдош бўл, дейишади. Ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг ҳар бири мен учун ака-укадек бўлиб кетган. Вақтида ҳамма цехларда ишлаганман. Шунинг учун бўлса керак жамоамиз аъзолари менга ишонишади. Мен эса уларга таянаман. Ҳамжиҳатликда ишлаётганимиз самараси ҳам кўнгилдагидек бўлаяпти. Албатта, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Шу камчиликларни енгиб, ишлаб чиқаришни узлуксиз ишлаб туришини таъминлаш учун ҳаммамиз биргаликда курашиб келаяпмиз, – дейди Т. Холмирзаев.

Ҳа, раҳбарнинг ўзи эътироф этганидек, унинг йўлдоши ҳам қўлдоши хам шу жамият аъзолари. Улар иқтисодий самарадорликни ошириб, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун хизмат қилишяпти. Ўз меҳнатлари билан истиқлолимизни асрашга, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга улуш қўшишяпти.

Комил САХАТОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

Солиқ — хазина таянчи

ИНСОФСИЗГА ЭРК БЕРСАНГ...

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат сиёсати муваффақияти солиққа чамбарчас боғлиқдир. Албатта, солиқ сиёсатининг такомиллашуви ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва меҳнат фаолиятини кучайтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Фарғона вилояти Қува тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Музаффар ҚОДИРОВ мухбиримиз сўровига биноан туманда бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб берди:

— Ҳукуматимизнинг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарорларини изчил амалга оширишга ҳаракат қиляпмиз. Инспекция ва унинг бўлимлари низомлари қайтадан кўриб чиқилди. Лавозимларга ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган, малакали, халқ ва давлат манфаатини муқаддас биладиган виждонли мутахассислар қўйилди. Ҳозирги кунда жамоанинг ўттиз нафари олий, йигирма саккиз нафари эса ўрта махсус маълумотли ходимлардан иборат. Уларнинг аксарияти ўттиз беш ёшгача бўлган ёшлар. Айниқса, ходимларни лавозимларга тайинлашда уларнинг билимига, касб маҳоратига, ишчанлиги, ҳалоллигига, узаро сўзлашиш одоби шакллари ганлигига эътибор қаратилмоқда.

Ходимлар билимини ошириш, уларни касб маҳоратини юксалтириш мақсадида Тошкент Молия олийгоҳида тўрт нафар ходим ўз малакасини ошириб қайтди. Иқтисодий ўқишлар, семинар-машғулотлар мунтазам ўтказилаётир. Ходимларни жисмоний тайёргарликларини узлуксиз ошириш чора-тадбирлари кўрилаётир.

Қайси жабҳада бўлмасин ишчанлик намунасини кўрсатганлар кўпчилик орасида обрў-эътибор топавераді. Ҳисобот ва таҳлил бўлими бошлиғи Аббосхўжа Дадахўжаев, маълумотлар билан ишлаш сектори бошлиғи Анваржон Ботиралиев, юридик шахслардан солиқларни ундириш ва таҳлил қилиш бўлими назорат сектори бошлиғи Шуҳратжон Салимов, катта инспектор Ғайратжон Жўраев, ҳудуд нозири «Шуҳрат» медали соҳиби Шаробиддин Қурбонов, Каримжон Ҳамроқуловлар жамоа фахрига айландилар.

Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, улар билан ўзаро ишончли алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида жойларда тўрт маротаба семинар-йиғилишлар ўтказилди. Шунингдек, қишлоқ-фуқаролар йиғинларида, маҳаллаларда участка инспекторлари билан аҳолининг бевосита мулоқотлари уюштирилди. Натижа кўнгилдагидек бўлди. Маҳалла фаоллари ҳам солиқларни ундиришда жонбозлик кўрсатаётир. Участка инспекторларининг иш жойлари жиҳозланди. Алоқа ва транспорт воситалари билан таъминланди.

Фуқароларга солиқ қонунчилигини тушунтириш мақсадида маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мақолалар бериб борилаётир. «Ишонч» телефонлари иши ривожлантирилди. Фуқаролар ана шу телефонлар орқали ўзларини қизиқтирган масалаларга жавоблар олаётирлар. Улар берган маълумотлар бўйича жойларда текширишлар ўтказилаяпти. Аниқланган хато ва камчиликлар бартараф этилаётир.

Маъмурий органлар билан инспекция ходимлари ҳамкорликда ўтказган текшириш ва рейдлар яхши натижалар бермоқда. Асосий мақсад мавжуд дебитор ва кредитор қарзларни камайтириб, республика ва маҳаллий бюджетга солиқларни ундириш чора-тадбирлари кўрилаётир. Жорий йил беш ойлик давлат даромад режаси 666 миллион 840 минг сўм белгиланди, ҳақиқатда эса 670 миллион 745 минг сўмга уддаланди.

Солиқ қонунчилигига риоя этилиши бўйича инспекция ходимлари томонидан жорий йилнинг беш ойида 72 марта ҳужжатли текширишлар ўтказилди. Натижада 42 та корхона ва ташкилотларда даромадлар ва бошқа солиққа тортиладиган объектларни солиқдан яшириш ҳолатлари аниқланиб, жами 64 миллион 305,1 минг сўм қўшимча солиқ ва тўловлар амалга оширилди. Шундан 29 миллион 610,2 минг сўми молиявий жарималарни ташкил этди. Камчиликларга йўл қўйган корхона ва ташкилотларнинг 87 нафар мансабдор шахсларига эса 1 миллион 463,9 минг сўм маъмурий жарима солинди.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан мунтазам текширишлар ўтказилиб борилаётир. Қарор бўйича олти марта текшириш ўтказилиб, шундан иккитасида камчиликлар фош этилди. Қувасойцемент ҳиссадорлик жамиятига қарашли Қўшкечик қишлоғидаги 10-сон дўкон мудири Абдураҳим Комилов савдодан тушган 18 миллион 817,2 минг сўм нақд пулни назорат касса машинасидан ўтказмаган. У нақд пулни тўғридан тўғри Қувасой цемент ҳиссадорлик жамияти кассасига топшириб келган. Юқоридаги ҳолат юзасидан дўкон мудири А. Комиловга нисбатан туман давлат солиқ инспекцияси томонидан Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Айбдор қилмишига яраша жазосини олди.

Инсофсизга эрк берсанг, элни талар деган мақол бор. Кимки амалдаги қонун-қоидаларга риоя қилмаса қонун олдида жавоб беради.

Жумладан туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда «Наргиз-Дилором» автохизмат корхонасида ўтказилган текширишда корхона бошлиғи Исроилжон Қурбонов томонидан корхона билан шартнома асосида фаолият кўрсатаётган ҳайдовчилар режа учун туланиши лозим бўлган 19620 сумни ўзлаштириб юборганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан туманлараро прокуратураси томонидан И. Қурбоновга нисбатан Узбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

«Бозорлар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарорини бажариш юзасидан деҳқон бозорида патта тушумларини назорат қилиш бўйича рейдлар ўтказилди. Натижада патта тушумлари кескин кўпайди. «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Узбекистон ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотиш бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш учун таъсирчан ишлар амалга оширилаётир. Шу қарор ижроси юзасидан ўн беш марта текшириш ўтказилган бўлса, шундан саккиз-тасида қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди. 64 дона алкоголли ичимлик ва 204 қути тамаки маҳсулотлари далилий, ашё сифатида олиб қўйилади. Нақд пул эмиссиясини кескин пасайтириш, касса режасини тўлиқ бажарилиши юзасидан назорат ишлари сифати яхшиланди. Натижада беш ойлик касса режалари ортиғи билан бажарилди.

Енилги мойлаш материалларини сотишни тартибга солиш ҳам муҳимдир. Беш нафар фуқаро 785 литр 57,9 минг сўмлик ёнилги маҳсулотларини ноқонуний сотаётганлиги аниқланди. Улар ҳам қишмишларига яраша жазоландилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарори талаблари жойларда қандай бажарилаётгани хусусида мунтазам равишда текширишлар ўтказилаётир. Туман ҳудудидаги савдо дўконларидаги мажбурий бўлиши лозим бўлган саккиз турдаги маҳсулотлар 21 марта ўрганилди. Энг ачинарлиси 18 та ҳолатда савдо дўконларида айрим маҳсулотлар йўқлиги аниқланди. 8 та дўконда эса ун таъминотида узилиш бўлган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва айбдорларни жазолаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб, амалга оширилмоқда.

«Давлат бюджетидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи бўлган корхона ва ташкилотларни қарзини мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисида»ги ҳукумат қарорини бажаришга алоҳида аҳамият қаратилган. Давлат бюджетидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи бўлган 101 та корхона ва ташкилотларга қарзларини тўлаши кераклиги юзасидан огоҳлантирилди. Шундан 46 та корхона ва ташкилотлардан 214 миллион 250,3 минг сўм давлат бюджетига бир ой муддатда солиқ ундириб олинди. Қарзини тўлай олмаган 22 та корхона ва ташкилотларга даъво аризаси ёзилиб, вилоят хўжалик судига топширилди ва ушбу корхона ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳисобидан 35 миллион сўмликдан зиёд қарзни ундириб олиш талаб этилди. Даъво аризалар қондирилди.

Кимки солиқ қонунчилигига амал қилмаса давлат олдида жавоб бериши муқаррар. Шундай экан, масъул раҳбарлар иноҳтиёри билан бу ишни ўз вақтида бажаришга одатланиши лозим.

Бугун туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари давлат даромадлари режасини бажариш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

Суҳбатни «Адолат»нинг маҳсус мухбири Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ ёзиб олди.

● *Сўранг, жавоб берамиз*

ХАРАЖАТНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

— Қўшним уйда йўқлигимиздан фойдаланиб, янги қурган молхонасини томорқамиз ҳудудига ўзбошимчалик билан ўтказиб юборган. Энди бузиб ол десам, харажатини тўлайсизми, дейди. Бу масалани ечишда кимга мурожаат қилсам бўлади?

Ф. РАҲИМОВА,
Наманган вилояти Поп тумани.

— «Ер кодекси»нинг 91-моддасига мувофиқ, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ғайриқонуний эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтдаги сарф-харажатлар қопланмасдан қайтарилади.

Ер участкаларини яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан, мавжуд иморатларни бузиш, уни ўзбошимчалик билан эгаллаган кишилар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбошимчалик билан олинган ерни эгасига, фойдаланувчига, ижарачига ёки ер участкаси мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилади.

АДВОКАТ.

● *Ташаббус*

ХАЙРЛИ ИШ

Косон тумани халқ таълими бўлимига қарашли 91 та илм масканларида меҳнаткашларнинг 47 мингдан зиёд ўғил-қизлари таълим-тарбия олади. Ўқувчиларнинг ёзги таътили кунларида мавжуд илм масканларини янги ўқув йилига ҳозирлаш жадал суръатда олиб борилаяпти. Бу ишда Муборак нефть ва газ конлари бошқармаси мактабларга яқиндан ёрдам бераётир. Шу мақсадда бошқарма маъмурияти таъмирлаш ишларига 25 миллион сўм маблағ ажратди. Ҳозиргача 13 та мактаб 2000—2001 ўқув йили учун шай қилиб қўйилди.

Тумандаги Ҳамид Олимжон номли, Бобур номли, Ҳабиб Абдуллаев номли мактабларда ҳам таъмирлаш ишлари поёнига етай деб қолди.

— Келгуси йилларда мактабларни капитал ва жорий таъмирлаш учун маблағ масаласида қийинчилик бўлмайди, — дейди туман ҳалқ таълими бўлими мудири Ҳасан Соҳибов. — Сабаби, туманимиздаги барча илм масканларимиз педагоглари мактаблари яқинидаги ҳудудда жойлашган хўжаликлардан 10 гектар ер олиб экин экиш ва давлатга маҳсулот сотишдан тушган маблағни жорий таъмирлашга ҳамда аълочи ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфлаш ташаббуси билан чиқдилар.

Шу йўл билан мактабларимизнинг замон талаблари даражасига етказамиз.

Комил САХАТОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

ДОНОЛАР ДЕЙДИ...

● Сўзни ҳужжат билан гапир, маслаҳатни доно одамлар билан қил, ёшликни ғанимат бил.

● **Одамларни бошингга иш тушганда сина, дўстни фойда ва зарарда имтиҳон қил.**

● Доно ва зийрак одамлар билан дўст тутин, аблаҳ ва нодон одамлардан кеч, хайрли ишларга жаҳд билан кириш.

● **Ёшликда керакли ишларни қилиб қол.**

● Дўстларингни ҳурмат қил, уларнинг хизматини жон деб қабул қил.

● **Устозингни иззат қил, чиқимни киримга яраша қил.**

● Саҳоватпеша бўл. Меҳмонга чин дилдан хизмат эт, бировнинг уйига кирсанг кўзингни эҳтиёт қил.

● **Улуғлар суҳбатида ўтирсанг, тилингга эҳтиёт бўл.**

● Кўпчилик ичида бўл, либосингни покиза тут, болаларингни илм ва одобга ўргат.

● **Пасткаш кишилардан вафо кутма, қилинмаган ишни қилинганга ҳисоб қилма.**

● Ўзингдан улуғ кишилар билан ҳазиллашма.

● **Икки одамнинг ўртасида чақимчилик қилма.**

Фақат аҳмоқларгина ўзларини ақлли деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 27 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари — 255 сўм 40 тийин.

Мажнунтолнинг шохларидек сочлари толим-толим,
Толеидан мамнун бўлиб жилмаяди оппоқ қиз.
«Истиқлол туфайли кулиб боқди иқболим», —
Дея яйраб-яшнамоқда келажаги порлоқ қиз.

Ҳар тўғрида

МОМО УЧ ЭГИЗАК ТУҒДИ

Эллик тўрт ёшида бир йўла уч чақалоқ туққан аёл ҳақида эшитганмисиз? У Мексикада яшовчи Арселиядир. Гўдакларнинг отаси олтмиш ёшли Гарсия. Ушбу оилада 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган саккиз ўғил-қиз ва 12 набира бор. Улар сафига яна уч қизалоқ қўшилди.

Ўтган йилнинг июль ойларида момо ўзини лоҳас сездию ҳар эҳтимолга қарши шифокорга учради. У Арселияга дарҳол хомиладор эканлигини билдирди. «Аввалига битта чақалоқ бўлса керак деб ўйловдим, — дея ҳикоя қилади она. — Бироқ тез орада аниқланишича, учта экан.

Ажабланарлиси шундаки, хомиладорлик даври ҳеч бир муаммоларсиз ўтди. Аммо чақалоқларни асраб қолиш учун кекса онани операция столига ётқизишга тўғри келди.

Динга қаттиқ берилган онанинг қувончи чексиз... «Бу менга яратганнинг марҳамати, — дейди у. — Уни биз қувонч билан қарши олдик». Чақалоқларнинг дунёга келиши муносабати билан тантанага улкан ойланинг ҳамма аъзоси, барча набиралар ташриф буюришди. Арселиянинг ўзи эса дунёдаги бир йўла уч эгизак туққан она сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан муносиб ўрин олди.

УХЛАБ ҚОЛГАН КУЁВ

Бу эр-хотинлар оқ-қорани таниган, ёши бир жойга борган кишилар бўлса-да, ўтган йили никоҳдан ўтиб, оила қуришган. Бироқ «куёв бола»нинг ҳар тунда ғойиб бўлиб, тонгга яқин топилиб келиши аёлни шубҳага солди. Эрим хиёнат қиляпти, деган хаёлга борди.

Кечаси тушакда ёлғиз қолиш «келинчак»нинг жонига теккач, эрни бир тузлаб қўймоқчи бўлди. Кечаси ётишдан олдин эри ичадиган чойга уйқу дори қўшиб қўйди. Эртасига эса унга милициядан қўнғироқ қилишганда ҳайрон бўлди. Ростовдаги магазинлардан бирининг сотувчиси эрталаб ишга келганда, ўғирланган моллар билан тўла қопни қучоқлаб савдо залида ухлаб ётган одамни кўриб қолади ва милицияга хабар қилади.

Ана энди бу хотин эрининг кечалари «қуён» бўлаётганлиги сирини билди.

ТИРИК ЭКАН....

Йошкар—Олада яшовчи бир аёл магазинга харидга кетаётиб йўл-йўлакай таниш бир хонадонга бошини сукувди, у ерда базми жамшид бўлаётган экан. Аёл шишадош дўстлари билан қолиб кетдида, уйига «рекетчи-қароқчиларнинг қўлига тушиб қолдим» — деб қўнғироқ қилиб қўйди.

Гаровга олинган бу «тутқун»ни қидиришаётган пайтда қурилиш кетаётган майдон уюмлари орасидан белгилари шу аёлга ўхшаш хотин кишининг жасади чиқиб қолди. Қидирилаётган аёлнинг эри ва қизини олиб келиб ўликхонадаги жасадни кўрсатишганида, ўзлариники эканини тасдиқлашди. Дафн маросими жуда катта дабдаба билан ўтди.

Йўқолган аёл эса ўзининг дафн этилганлигини маҳаллий газетада ёритилган хабардан билиб қолди.

МЎЙЛОВЛИ ҚИЗАЛОҚ

Черчилл шаҳрида яшайдиган ўн уч ёшли Лина Тоцец номли қизни кўришга иштиёқмандлар кўп. Бу малласоч қизнинг нафис лабларини қоп-қора мўйлов қоплаган.

Уч ой муқаддам кўм-кўк кўзли қизчада илк бор қоп-қора туклар пайдо бўлгандан буён ота-онасию, шифокорлар табиатнинг бу қалтис ҳазилига даво топа олмаётир. Одатда айрим аёлларда эркаклик хусусиятларининг пайдо бўлиши фанга маълум ҳодиса. Аммо у аёл балоғатга етганидан сўнг содир бўлар эди. Шу боис ҳеч ким Линанинг кун сайин ўсиб кетаётган мўйловини тўхтатишнинг иложини тополмаяпти.

ТИРИЛИШ ВА ЎЛИШ...

«Рапидия» касалхонасида тиббиётнинг аёвсиз хатоси рўй берди. Исроиллик шифокор чақалоққа нотўғри ташхис қўйди — қизчани ўликхонага элтишди.

Мухзона эшиги бир соатдан сўнг очилганда бола қаттиқ овозда йиғларди. Албатта, ҳамма қўрқиб кетди, нахотки...

Дарҳол шифокорлар музлаб қолган чақалоқни ҳаётга тўла қайтаришга уринишди. Бироқ 5 соат давом этган ҳаёт учун кураш зое кетди... Норасида гўдак бу сафар абадийликка кўз юмди. Бундай ҳолнинг асл сабабини билишга ҳаракат қилинмоқда. Хатога йўл қўйганларга биринчи жазо терговга қадар ишдан ҳайдаш бўлди.

«Мен ҳам ҳазил-мутойиба қиламан, лекин ҳақ гапни сўзлайман».

(Ҳадис).

Кулгу кишини ёшартиради, қалбини яйратади, бутун вужудини яшнатади, ғам-аламлардан фориғ этиб, шоду хуррамликка ошно этади. Табиийки, бундай ҳолатда инсон зотининг кўзига олам янада гўзал, янада фусункор кўриниб, ҳаётга муҳаббати ортади. Демак, «Кулинг, умрингиз узоқ бўлади» деган кулгу дарғаси ҳақ.

ҚАЙНОНА ҲАМ ОНА

ёки одамларни кулдираман деб волидаи муҳтарамаларимизни калака қилиб, гуноҳга ботаётган ҳажвчиларимиз хусусида

Балки шунинг учунми, ҳар ҳолда ўзбек халқидек кулгусевар, ҳазил-мутойибага, аскияга ўч халқ кам оламда. Лекин бошқа халқларда ҳам кулгуга мойиллик йўқ эмас. Мисол учун габроволикларни олайлик. Уларнинг ичакузди ҳангомалари, ҳазил-мутойибалари жозибадор, дилтортар. Мағрибу Машрикдаги ўзга халқларда ҳам худди шунақа у ёки бу даражада кулгусеварлик бор.

Аммо кулгунинг умумбашарият учун умумий томонларини эътироф этган ҳолда ҳамма халқларнинг кулгусини бир қолипга солиб, бир хил тошу тарози билан ўлчаб бўлмайди. Зеро, кулгу асарлари ҳар бир халқнинг дидфаросати, аҳлоқ-одоби, маданияти ва маънавиятига, бир сўз билан айтганда, турмуш тарзига мос бўлади. Шу жиҳатдан олганда бир халқ учун кулгу кўзғатадиган гаплар иккинчи бир халқ учун қайғули бўлиши ҳам кузатилади. Бунга истаганча мисоллар келтириш мумкин. Лекин бизнинг мазкур мақоламиздаги муддаомиз бу хусусда бўлмаганлиги учун у ҳақда тўхталиб ўтирмаймиз-да, ҳозирги миллий кулгичилигимиз хусусидаги айрим мулоҳазаларнигина айтиб ўтиш билан чекланамиз.

Очиқ эътироф этишимиз керак, Истиқлол туфайли халқимизнинг кулгуга бўлган ҳоҳиши яна ошди. Шунга яраша кулдирувчиларимиз ҳам кенг ва эркин қанот қоқа бошладилар. Тўй-маросимларимиз, байрамларимиз қизиқчилару аскиячиларсиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Турли қизиқчи танловлари ўтказилаётгани, янги-янги талантлар рўёбга чиқаётганлиги ҳам қутлашга арзирли ижобий ҳолатлардан. Радионинг «Табассум» эшиттируви, телевидениенинг «Ханда дўкони», «Ҳамма кўриши шарт эмас», «Телевизион миниатюралар театри», «Хушвақт бўлинг», «Бойчечак», «Ҳа-ҳа-ҳа ва бошқа кўрсатувлари, газета ва журналлардаги махсус кулгу саҳифалари, рукнлари остида ичакузди ҳангомалар чиқиб турганлиги ҳам айни муддао бўлиб, кулгусевар халқимиз талаб ва истакларига мосдир. Таъбир жоиз бўлса, бу муътабар минбарларнинг вужудга келиши қўплаб кўзга кўринмай беркиниб ётган талантларнинг рўёбга чиқишига кенг имкониятлар яратмоқда. Халқимизни анчадан бери кулдириб, қаҳ-қаҳ оттириб юрган Ҳожибой Тожибоев, Обид Асомов, Мирза Холмедов, Абдулла Акбаров каби-ларнинг сафлари ёш талантлар, ҳисобига кундан-кунга кенгаймоқда, улар репертуарларининг аксарияти чин маънодаги ўзбеконалиги билан кишини мамнун этади.

Шунингдек, кулдирувчиларимизнинг жаҳон кулгу асарларидан ҳам гоҳ айнан, гоҳ ижодий фойдаланаётганларини ижобий баҳолаш мумкин. Негаки, гарчи ўзбек халқи нақадар кулгу асарларига бой бўлса ҳам, кулдирувчилар қўплигиданми, халқимизнинг беғубор кулгуга ўчлигиданми, ҳар ҳолда репертуар тақчиллиги сезилиб қолмоқда. Шу маънода ўзга халқларга кулгудош бўлиш, уларнинг кулдиргувчи асарларидан фойдаланишга ҳам ижобий қарашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Лекин шуни ҳам ҳеч қачон унутмаслик керакки, кишиларни кулдиришга хизмат қиладиган ҳар қандай асар, хоҳ у юмор, хоҳ сатира бўлсин бизнинг хоҳиш-иродамиздан қатъий назар у ёки бу даражада инсонни тарбиялашга хизмат қилади. Шундай экан, ҳажвчиларимиз кулгунинг бу муъжизакор қудратидан самарали фойдаланишлари ва репертуар танлашга ғоят масъулият билан ёндошишлари шарт. Ҳудди шу маънода ўзга халқларнинг кулдирувчи асарларидан фойдаланишда эҳтиёткор бўлмоқ даркор. Бизнинг ўзбекона миллий қадриятларимизга, урф-одат ва аҳлоқ-одобимизга зид кулдиргувчи асарларини матбуот, саҳна, экран ва эфирга олиб чиқаверши номақбулдир. Негаки қайсидир миллат учун кулгили воқеа биз ўзбеклар учун шармандалик, ҳатто фожиа бўлиши мумкин. Бу нарса халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, ўзига хос аҳлоқ-одобидан келиб чиқади. Масалан, русларда марҳумни хотирлаш маросимида спиртли ичимлик ичиш одат, Биз ўзбекларда эса бу гоноҳи азим ҳисобланади.

Қани бирор киши отаси ёки онасининг маъракасида дастурхонга арогу винони ошкора қалаштириб ташлаб маст-аласт ҳолда кайф билан ҳазил-мутойиба қилиб кўрсин-чи, оқибати нима бўлади? Шубҳасиз у эллус назаридан қолади ва улаулгунча таънаю маломатлардан халос бўлмайди.

Худди шунга ўхшаш биз ўзбекларнинг аксариятининг таг-замирида шаҳвоний хирс ётган аскияларини ўзга халқларнинг тилларига мазмунан таржима (суэма суз таржима қилишнинг иложи йўқ) этиб кўринг-чи, нима бўларкин? Биз ўзбеклар бунақа минг қават пардага ўралган аскияларимизни айтиб ва эшитиб ҳузур қиламиз, қотиб-қотиб куламиз.

Бундан хулоса шуки, ўзга халқларнинг кулгу асарларини кўр-кўрона такрорлаш, тақлид қилиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Келинг, шу ўринда фикримиз қуруқ қошиқ оғиз йиртар қабилида бўлиб қолмаслиги учун фактларга мурожаат қилайлик.

«Катта кўчада мурда ортилган юк машинаси юриб кетаётганмиш. Унинг кетида тилло тақинчоқларга бурканган, бўйнидан думигача гулчамбарлар осилган эчки. Эчкининг ортида эса тумонат одам. Бир йўловчи тўхтаб сурапти:

— Машинадаги мурда ким? Унинг олдидаги мана бу олтин тақинчоқлар, гулчамбарларга бурканган эчки нимаси? Нега унинг кетидан шунча одам эргашиб кетяпти?

— Бу мурда анави қўлига қоғоз-қалам тутган йигитнинг қайнонаси. Эчки ҳам ўша йигитники. У буни бир неча кунга «прокат»га олувди.

— Хўб, шундай бўлса шундайдир. Лекин мен мурдага эчкининг қандай алоқаси борлигини барибир тушунмаяпман.

— Гап шундаки, бу эчки ана шу қайнонани шох уриб ўлдирган. Бу унинг мингинчи қайнонани ўлдириши. Шунинг учун ҳам марҳумларнинг куёвлари уни тиллалару гулчамбарларга буркаб ташлашган!

— Демак, бу эчки қайнонанинг кушандаси экан-да!

— Ха, худди шундай.

— Унда бу эчкини бир «прокат»га олишимга илож борми?

— Бор! Лекин бунинг учун навбатга ёзилишингиз керак. Ана шу эчкининг кетидан юраётган оломоннинг бари худди сизга ўхшаб эчкини «прокат»га олиш, яъни қайнонасидан қутилиш учун навбатга ёзиляпти.

«Бу одамийлик қолипига сиғмайдиган бемаъни ҳангомани мен русийзабонлардан эшитганман. Шугина эмас, бундан баттарларини ҳам кўп тинглаб ё алҳазар дея тааж-жубдан ёқа ушлаганман. Тавба, қайнона деб аталмиш буюк зотга нисбатан бу қадар қаҳр-ғазаб уларда қаердан пайдо бўлган экан? Ахир қайнона севимли умр йўлдошимизнинг онаси, демакки, бизнинг ҳам онамиз. Бас шундай экан, она ҳақида шу қадар шармандали ҳангомаларни айтиш қайси қуюшқонга сиғади! Нима, севгилимиз яхшию, уни туғиб, оқ ювиб, оқ тараб, қўлидан иш келадиган бўлганида биз— куёвларга тўй ҳашаму сеп-сарполар билан топширган оналари ёмонми? Унинг ҳурилиқо қизи керагу ўзи ортиқчами? Қолаверса, ўз онамиз ҳам кимгадир қайнона-ку! Ўз волидаи муҳтарамамиз ҳақида куёв шунақа ҳақоратомуз гапларни айтиб, унинг устидан кулиб турса ўзимиз чидай оламизми? Куёвимиз қизимизнинг онаси, яъни садоқатли тан маҳрамимизга ҳудди шунақа муносабатда бўлса қандай тоқат қиламиз? Севимли куёвию қизи билан концертга тушган она қайнона ҳақидаги бу шармандали латифани эшитса қай ҳолга тушади? Қош қуяман деб кўз чиқараётган ҳажвчини ич-ичидан ҳўрсиниб-ҳурсиниб, йиғлаб-йиғлаб қарғамайдими? Оналарни йиғлатадиган бунақа кулгу кимга керак? Ҳеч шулар ҳақида ўйлаб кўрганмизми? Агар ўйлаб кўрган бўлсак, аллақачон бунақа «қизиқчи»ю «латифагўй»ларга танбеҳ бериб, уни саҳнадан тушириб юбормасмидик?

Масаланинг даҳшатли томони шундаки, бунақа қайнонани, яъни онани калака қиладиган ҳангомалардан жирканиш ўрнига кейинги пайтларда уларга биз ўзбекларнинг кулдирувчилари ҳам кўр-кўрона тақлид қила бошладик. Баъзан эса бунақа ҳангома айтишни улардан ҳам ўтказиб юбордик. Бу нарса ҳатто энг оммавий матбуот нашрларида ҳам кўзга ташлана бошлади.

Мана, мисоллар:

«... Назармат қандай бахтли йигит-а, хотини етим...

***

«Қайнонанинг дўқи — замбаракнинг ўқи».

***

«Куёв қимтиниб-қимтиниб савол беряпти:

— Ойижон, бизникида неча кун турасиз?

— Жонларингга теккунимча! — жавоб берди қайнона.

Қувончдан иргишлаётган куёв нима дермиш денг:

— Бунча тез!

***

Қайнона ҳақида гапирганда бир ҳангома эсимга тушади.

«Бир дона йўлланма билан бир оила дам олса бўладими? — деб сурашса, биттаси шундай жавоб берибди: «Албатта бўлади! Курортга фақат қайнона кетиши керак! Шунда оила маза қилиб дам олади».

* * *

— Менинг орзуим шуки, дейди Гангстер шеригига, — йириқроқ банкни ўмарсаму, у ерда қайнонамнинг бармоқ изларини қолдирсам.

***

«Бир инглиздан сўрашди:

— Нега қайнсинглинга уйландинг?

— Яна бир қайнонага эга бўлиш осонми?

***

Хотин эридан суради:

— Азизим, «Қандай қилиб юз йил яшаш мумкин?» деган китоб олиб келган эдим, шунга кўзинг тушмадими?

— Мен китобни ташлаб юбордим, — деди эр. — Чунки бу китобни ойижонинг ўқий бошлаган экан.

***

Ўз меҳнат таътилини Австралияда ўтказиб қайтган бир инглиз дусти билан таассуротларини ўртоқлашаркан деди:

— Ажойиб мамлакат! Айниқса, биз яшаган жойда ҳамма нарса бор, эди.

Мен учун ажойиб бар, болаларим учун катта пляж, хотиним учун жазирама қуёш ва қайнонам учун йиртқич акулалар!..

* * *

Бозорда сотувчи:

— Чернобилдан келган олмалар бор. Олиб қолинг! — дея қичқирибди.

Ўтиб кетаётган йўловчи:

— Бу олмаларни ким ҳам оларди, ахир, улар заҳарлангандир, — деб эътироз билдирса, сотувчи:

— Олишади, ким қайнонаси, ким қайнотаси, ким хотини учун...

* * *

Чукча зоопаркка келди ва қафасдаги филни кўриб:

— Буни гўшти нақ овулга етади!

Кейин катта илоннинг қафаси олдига келди:

— Бу чувалчанг билан бутун бошли китни ушласа бўлар экан.

Маймун турган қафаснинг олдига келиб таажжубланди:

— Вой, қайнонажон, сиз бу ерга қандай келиб қолдингиз?

Ҳажвчиларнинг муштарийларни кулдираман деб чоп этилган бу гапларини ўқиб, жаноб пайғамбаримизнинг «Одамни кулдираман деб ёлғон гапирадиган одамнинг ҳолига вой, ҳолига вой» деган ҳадисларини эслаймиз. Қайнона ҳақидаги бу гапларни онага нисбатан беҳурматлик, ҳатто нонкўрлик деб ҳисоблаймиз. Она ҳақидаги бунақа бемаъни латифагўйлик биз ўзбекларнинг қонимизда йўқ. Уни диний қадриятларимиз ҳам, миллий қадриятларимиз ҳам қаттиқ қоралайди.

Айниқса давлатимиз, аёл зотини (энг аввало оналарни) улуғлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, эъзозлаб ардоқлаш, беминнат ғамхўрликлар кўрсатиб, турмуш шароитларини янада яхшилаш йўлида муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Бурноғи йилнинг «Оила йили», ўтган йилнинг «Аёллар йили», амалдаги йилнинг «Соғлом авлод йили» деб аталиши ҳам биринчи навбатда «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир» деган ибратли ҳадисга ҳамоҳанг равишда волидаи муҳтарамаларимизга нисбатан қилинган меҳрибонлик ва эъзоздир. Ҳар биримизнинг волидамиз ё ўғил, ё қиз томондан бўлса-да қайнона ҳам она эканлигини ҳисобга олсак, демак давлатимиз ва халқимиз оналарга кўрсатаётган ғамхўрлик ва ҳурматни қайноналарга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва ҳурмат ҳам деб тушунмоқ жоиздир.

Гап қайнона хусусида кетар экан бу муҳтарам инсон тўғрисида Абдуқодир Дада ўғлининг «Мусулмон эрнинг аёли олдидаги вазифалари» («Мовароуннаҳр» нашриёти. Тошкент. 1998 йил) китобида ёзилган қуйидаги гапларни қайд этиб ўтиш ўринлидир.

«Ўғлим! Қайнонанг ва қайнотангга яқинлик кўрсат. Улар ҳам сенга ота-онадир. «Қайнота» сўзининг асли «қоими ота», яъни ота ўрнидаги зот деганидир. «Қайин она» сўзи ҳам худди шундай.

Уларни «она», «ота» деб мурожаат қил. Хотининг олдида уларнинг шаънига ёмон сўз айтишдан сақлан. Чунки хотинингнинг кўнглини оғритасан. Қайнона ва қайнотангни бошқалар олдида ҳам ёмонлама. Тез-тез зиёрат қилиб турингилар, ҳолаҳволидан хабардор бўлингилар. Улар ҳам сизларнинг тинч-тотув яшаб кетишларингиздан хурсанд бўладилар. Агар сизларга бирон нарса деса, яхшилигингизни кўзлаб айтган бўлади. Ҳеч ким фарзандига ёмонликни раво кўрмайди».

Бироқ бу ҳикматомуз гапларга зид матбуотда чоп этилган қуйидаги ҳангомага нима дейсиз:

«Афандига депти:

Бир яхши ҳовли қидириб юрибман. У шунақанги катта бўлсинки, уй юмушларига кумилиб кетиб хотиним онасини кўргани боролмай қолсин. Шу билан бирга бу уй шунақанги тор бўлсинки, қайнонам келаман деса сигмасин».

Пайғамбаримиз (с. а. в.) «Онанг тунгиз бўлса ҳам бойлаб қўйиб боқ», «Онанг кофир бўлса ҳам унга мурувват қил» (Ҳадислардан) деганларига қарамай бизнинг матбуотимизда чоп этилаётган ҳангомаларнинг қаҳрамонлари қайнонасини қаматиб, ундан қутилиш учун ўгирликдек жирканч жиноятга қўл уришга ҳам, унга Чернобилдан атом ҳалокати тўфайли заҳарланган олмаларни едиришга ҳам, ҳатто бу муҳтарам зотни акулаларга ем қилишга ҳам тайёрдирлар. Қайнона улар учун бахтсизлик манбаи, кўзларига маймун каби хунук кўринувчи бир жирканч нусха! Епирай! — деб ҳайратдан ёқа ушлайсан киши.

Биз юқорида матбуотдан мисоллар келтириб, «пичоқни ўзингга ур оғримаса бировга» қабилида иш тутдик. Аслида қайнонани калака, яна ҳам аниқроғи ҳақорат қилувчи «ҳангома»лар айтишда бошқа саҳна ва минбарлар ҳам матбуотдан ошиб тушишяпти, десак муболаға бўлмайди. Агар улар ҳақида тўхталадиган бўлсак иш «Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр» тарзида бўлиши ҳеч гапмас.

Қулдириш ҳам санъат. У алоҳида маҳорат ва алоҳида қобилият талаб этади. Бу эса ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Бироқ мазкур бахт насиб этганлар бўлса, улардан ҳар бир гаплари, ҳар бир ҳатти-ҳаракатларидан алоҳида масъулият ва ҳалоллик талаб этилади. Қулдирувчи одамларни нимадан кулдираётганини чуқур англаши шарт. Бўлар — бўлмас бачкана қиликлар, беҳаё сўзлару ахлоқсиз ҳаракатлар билан мақсадга эришиб бўлмайди.

Шу маънода машҳур устоз қизиқчиларнинг репертуарлари халқчиллиги, кишиларни жамиятдаги у ёки бу иллатлар устидан кулдириш ва шу асосда бевосита ҳам билвосита тарбиялаши билан кучли аҳамият касб этади ва ҳамон шундай. Қулгу усталаримизнинг аксарият репертуарлари ҳам ичкиликбозлик, порахўрлик, пулпарастлик, беҳаёлик, худбинлик, лоқайдлик, нонкўрлик, дангасалик каби бир-биридан жирканч иллат ва қусурлар устидан кулгу уйғота олиши, уларга нисбатан қалбимизда нафрат кўзғатиши билан қадрлидир. Бундай кулгу асарлари-ю, уларнинг ижрочилари хусусида истаганча ижобий гап айтиш мумкин.

Лекин кейинги пайтларда қайноналарга асоссиз равишда жамики салбий иллатларни ёпиштириб, улар устидан кулиш, демакки бу муътабар зотларга нисбатан одамларда нафрат уйғотиш одат тусига кириб бораётганини асло оқлаб бўлмайди. Бинобарин, бу биз ўзбекларнинг қонимизда йўқ. Миллий мафкурамизга зиддир базиҳор тўғри келмайдиган бу ишни соддагина қилиб гуноҳи азим дейиш хато бўлмайди.

Хуллас, фикри ожизимча, айрим хорижий халқлар мафкурасига кўр-кўрона эргашиб, қайнонага қарши ҳажв камонидан аёвсиз ўқ отишга нуқта қўйиш керак. Зеро, қайнона ҳам Она! Онанинг шаънини бўлғаш, унинг устидан кулиш эса бизнинг ўзбекчилигимизга тўғри келмайди. Қайнонангизни ҳам ҳудди ўз онангиздек доимо улуғлаш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчингиздир.

Шунинг учун ҳам буюк алломаларимиз, атоқли адибларимиз қайноналарни улуғловчи асарлар битиб, уларга нисбатан айниқса куёвларда меҳр-муҳаббат туйғуларини кучайтиришга ҳаракат қилишган. Фикримизнинг исботи учун мазкур мақолани атоқли шоиримиз Асқад Муҳторнинг «Қайнона» деб номланган қуйидаги шеърлари билан якунлашга жазм этдик:

Қадим эртакларда у
кўланкадек,
Баъзан ёвуз, баъзан
шум қадам.
Борингки, яшириб
нима қилардик,
Гоҳи ўзимизнинг
ёзувчилар ҳам...
Йўқ, мен Сизни доим
она деган
Азиз ном-ла атаб,
очай кучоғим.
Онам менга ҳаёт, умр
берган
Сиз бергансиз умрим
қувончин!

Мулла КАЛОН.

● *Янгиликдан хабарингиз борми?*

СИЗГА ҲАМ БЎЛУР ЯХШИ...

Яқинда мамлакатимиз пойтахтида «Жаҳон-фан» маркетингни моделлаштириш тадқиқоти ва дипломатик журналистлар ахборот компанияси вужудга келди. Унинг мақсад ва вазифалари хусусида компания котиби, иқтисод фанлари номзоди Муқим Сулаймонов мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Бугун биз улкан ўзгаришлар даврида яшаяпмиз. Ўзбекистоннинг жаҳонга юз бураётгани кўплаб хайрли ишларга йўл очмоқда. Шунга монанд жонажон Ватанимиз гуллаб-яшнаб, кун сайин чирой очиб бораяпти. Бир сўз билан айтганда улкан салоҳиятли мамлакатга айланмоқда. Ҳар бир қилинаётган иш халқимиз бахт-саодатига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Янги вужудга келган компаниямиз ҳам иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, мамлакатимизда олиб борилаётган беқиёс ишларга ҳисса қўшишга бел боғлаган. Иш фаолиятимизнинг қўлами кенг; республикамиздаги ташкилот ва корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий, молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиб борамиз. Жойларда эришилаётган ютуқларни таргиб этиб, оммалаштиришга, бу орқали муваффақиятларни янада бойитишга ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга ликда Ватанимизнинг обрў-эътибори, шон-шуҳрати янада ошишига ҳисса қўшиб, бу борада журналистларнинг меҳнатини ҳам рўёбга чиқаришдир. Вазиятлар асри энг чўққисига чиққан, такомилига етган бир даврда бу жуда муҳимдир. Фурсатдан фойдаланиб мен ҳар бир вилоят, шаҳар, туман ҳокиятларидан ўз ҳудудларидаги меҳнат жамоаларида мустақиллигимизни мустаҳкамлашга чин дилдан ҳисса қўшаётган фидойи инсонларни, ташкилотларни бизга тавсия этишларини сўраб қоламан. Чунки юрт равнақига хизмати синган ҳеч бир жонкуяр инсон компаниямизнинг синчиков нигоҳидан четда қолмаслиги керак. Улар тўла асарларимиздан ўрин олишлари зарур.

ниямизнинг ўзига хос жуда кўп жиҳатлари бор. Айни пайтда мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш учун не-не одамлар фидойилик кўрсатмоқдалар. Уларнинг билим ва тажрибаларини, ютуқларини ўзида мужассам этган «Тараққиёт фидойилари» номли 32 қисмли асарлар мажмуасини яратиш иштиёқида иш олиб бораяпмиз. Унинг дастлабки тўрт қисми бу йил китобхонлар қўлига етиб боради. Бу асар умид қиламизки юртпарвар барча фидойи замондошларимизнигина эмас, балки ҳамманинг руҳиятига қувват ва мадад бағишлайди. Қолаверса, янги мажмуа орқали ёшларимизга бой мерос инъом этиш билан бирга уларнинг бахтли келажагига мустаҳкам замин ҳам яратилса ажаб эмас.

Бошлаган ишимизнинг афзаллик томонлари кўп. Ўзбекистоннинг эришаётган бой ютуқларини шу тўла асарлар мажмуаси орқали дунёга ёйиш билан бирга ликда Ватанимизнинг обрў-эътибори, шон-шуҳрати янада ошишига ҳисса қўшиб, бу борада журналистларнинг меҳнатини ҳам рўёбга чиқаришдир. Вазиятлар асри энг чўққисига чиққан, такомилига етган бир даврда бу жуда муҳимдир. Фурсатдан фойдаланиб мен ҳар бир вилоят, шаҳар, туман ҳокиятларидан ўз ҳудудларидаги меҳнат жамоаларида мустақиллигимизни мустаҳкамлашга чин дилдан ҳисса қўшаётган фидойи инсонларни, ташкилотларни бизга тавсия этишларини сўраб қоламан. Чунки юрт равнақига хизмати синган ҳеч бир жонкуяр инсон компаниямизнинг синчиков нигоҳидан четда қолмаслиги керак. Улар тўла асарларимиздан ўрин олишлари зарур.

● *Яхши одат—миллат кўрки*

Кулги бекати

— Хотин кишини никоҳ узуги тақиб олишининг маъноси нима?
— Демак эри бор.
— Оддий узук бўлса-чи?
— Бу ҳеч нарса эмас.
— Агар у никоҳ узуги билан бирга оддий узукни тақиб олса-чи?
— Демак, бу... у эрли, лекин бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ дегани.

* * *

Шотландиялик ит сотаётганда америкалик 50 долларга, англиялик 40 долларга олмоқчи бўлди. Ит англияликка сотилди.
— Нега арзонга сотдинг? — деди хотини.
— Итимиз Лондондан уйимизга қайтиб келиши мумкин. Америкадан эса йўқ, чунки океандан сузиб ўтолмайди-да!

* * *

— Ўтган ҳафта хотинимнинг кўзига қум кириб қолиб, уни врачга олиб боришга тўғри келди. Шунинг ўзига йигирма доллар кетди.
— Бу ҳеч нарса эмас. Ўтган ҳафта хотинимнинг кўзига шуба тушиб қолиб, уч минг доллар тўладим.

* * *

— Сизни нима сабабдан суд қилишди?
—Тасаввур қилинг, маълум бўлдики, давлат мен қанақа қоғоз пул ясасам худди шунақа пул чиқараркан.

* * *

Кекса ёзувчи енгилоёқ бир қизни Сочи ресторанларидан бирига таклиф қилибди.
— Ҳов анави бурчакда ўтирган ёзувчини танийсизми, азизим,— деб сўрабди у қиздан.
— Менимча... у Сергей Есенин бўлса керак.
— Нима деяпсан, қўзичоғим у аллақачон ўлган.
— Йўқ, йўқ, ана қаранг, қимирлаяпти.

* * *

Уч киши поездда кетаётганди. Суҳбатни қизитиш учун биттаси гап бошлади.
— Биласизларми, хотиним ҳомиладорлигида «Икки капитан» китобини ўқиганди, эгизак ўғил кўрдик.
Иккинчиси гапни илиб кетди:
— Меники эса ҳомиладорлигида «Уч мушкетёр»ни ўқирди, уч ўғилли бўлганмиз.
Учинчи йўловчининг ранги қув ўчиб, сув сўради.
— Сизга нима бўлди, мазангиз қочдими? — ҳайрон бўлиб сўрашди ҳамхоналар.
— Э худо, хотиним яқинда кўзи ёрийдиган, «Али бобо ва қирқ қароқчи» деган китобни ўқиётганди, энди нима қиламан!..

* * *

Хотин эрига деяпти:
— Кел, келишиб олайлик. Ҳар биримиз зиммамизга бирор мажбурият оламиз. Айтайлик, сен пиво ичишни ташлайсан, мен эса сени чекишдан халос қиламан.

* * *

Никоҳни қайд этаётган хизматчи қуёвдан сўраяпти:
— Сиз... хотинликка олишга розимисиз?
— Йўқ, йўқ, асло! — шошиб жавоб берди у.
— Унда нега ҳозиргача жим юрибсиз?
— Мендан ҳеч ким сўрамаганди-да!

* * *

Бир кишининг хотини вафот этди. Уни кўмиб келишди. Дафн маросимидан сўнг бир оғайниси дўстининг олдига келиб ҳамдардлик билдирди:
— Энди шундоқ хотининг... асло қайтиб келмайди, дўстим.
— Ҳа, шуниси одамга далда беради-да, — деди эр хўрсиниб.

* * *

Ишдан қайтган эр уйда хотининнинг бегона эркак билан ўтирганини кўриб ғазабга минди. Хотин эса ҳеч довдирамай шундай деди:
— Ҳм, танишинглар, бу — менинг эрим, бу йигит эса Фёдор. Сизлар бироз гаплашиб туринглар, мен ҳозир «Тез ёрдам»ни чақираман.

* * *

Хотин ўз эрига буюрди:
— Манави хатни почта қутисига ташлаб кел!
— Ёмғир бунақа челаклаб қуйиб турганда яхши одамлар итини ҳам кўчага ҳайдамайди.
— Сенга итни ҳам кўчага олиб чиқ, деётганим йўқ-ку!

* * *

— Ҳайронман, никоҳ кунини хотинлар сира эсидан чиқармайди, эркаклар эса одатда унутиб юборишади.
— Биринчи марта катта балиқни илинтирган кунинг эсингдами?
— Ҳа, албатта.
— Ана кўрдингми, балиқ эса, уни албатта, унутиб юборган.

* * *

— Уйланганлар уйланмаганларга қарагандa узоқ яшайди дейишади. Шу ростми?
— Йўқ. Уларга умр узоқдай туюлади, холос.

* * *

Яқинда турмушга чиққан қиздан онаси сўрайди:
— Қизим, турмушинг қандай? Эринг жанжалпанжал қилмайдими?
— Ҳозирча яхши турибмиз. Куёвингиз нима сўрасам беради, нима десам бажаради.
— Демак, кам сўраб, кам буюрар экансан-да!
— А?!.



Бугунги Тошкент манзаралари.

Тарихий ҳангомалар

ЁЛҒОН ҚАЧОН КЎП ГАПИРИЛАДИ?

Бир гал Отто фон Бисмаркдан ёлғончилик қачон авжига чиқиши мумкин, деб сўрашди.
— Ҳеч қачон уруш пайтидагидек, овдан кейингидек ва сайлов олдидан бўлганидек кўп ёлғон гапирилмайди, — дея жавоб берди буюк сиёсатчи.

ХОЛИС ВА ДОНО ФИКР

— Сиз сиёсат ҳақида қандай фикрдасиз? — сўрашди Рейгандан, у истеъфога чиққач,
— Сиёсат унчалик ёмон нарса эмас, — жавоб берди у. — Агар унда ютиб чиқсанг, ҳокимиятга ва иззат-икромга эришасан, мабодо ютқазиб қўйсанг, китоб ёзиш имконига эга бўласан.

ГАПДАН ГАПНИНГ ФАРҚИ

— Иккаламиз турмуш қурсак бўлмасмикин? — дея сўради қандайдир бир хоним Андре Бирабодан.
— Биз бирга яшай олмаймиз, чунки мендаги камчиликларни мутлақо тузатиб бўлмайди. Сендаги фазилатларга эса мутлақо тоқат қилиш мумкин эмас, — жавоб берди унга машҳур хотинбоз — ижодкор.

Юлдузлар таъбири

(3—9 ИЮЛ)

ҚЎЙ (22 март—20 апрель)
Ишларингиз кўнгилдагидек кечади. Аммо кўнглингизнинг бир чеккаси ҳира тортиб туради. Ҳаёлингизда хизмат жаҳонгизга мутлақо дахли бўлмаган жойдан сизга хавф туғилаётгандек туюлади. Гўё кимдир сизга қасдма-қасд иш қиладигандек. Хотиржам бўлинг. Бу хавотирларингизнинг барчаси асоссиз.

БУЗОҚ (21 апрель—21 май)
Сиз Оллоҳдан беҳад-беҳад тўкинлик талаб қилманг, ҳар нарса меъёрида бўлгани маъқул. Негаки, ўта тўқлик ақлни ҳиралаштиради. Ақлингиз заифлашишини истамаслигингиз аниқ. Юмушларингизнинг кутганингиздек юришмаётганлигидан ноғлиб, кўнглингиз шундай осойишталикни тусаб қолиши эҳтимоли йўқ эмас.

ЭГИЗАКЛАР (22 май—21 июнь)
Аксарият эркаклар бегона аёллар билан тил топишишга ҳаракат қилишади. Бошқача айтганда уларнинг ҳою-ҳаваса берилишлари тахмин қилинмоқда. Бу ҳол кўнгилхушликка одатланганлар учун табиийдир. Аммо шу йўлга илк бор кираётганлар қаттиқ адашишлари мумкин. Қадамни уйлаб босган ўкинмайди.

КИСКИЧБАКА (22 июнь—21 июль)
Жамиятда тутган мавқеингиз ижобий ўзгариш бўлиши кутилмоқда. «Шамол»нинг қайси томонидан эсишини пайқаган айрим танишларингиз атрофингизда ялтоқланиб қолишади. Ҳатто бу ўзгаришларда «ҳиссалари» борлигини таъкидлаб қўйишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

АРСЛОН (22 июль—21 август)
Олдиндан тузиб қўйилган режангизга ўзгартиш киритишга мажбур бўласиз. Бунга яқин кишингиз ишидаги чигаллик важ бўлади. Ҳамкорингиз билан орангиздаги келишмовчилик, молия масалаларига тааллуқли сингари ҳолатлар туфайли шундай кечади. Ҳафта охирида эса бу каби ҳафа машмашалар барҳам топиши кутилаётир.

СУНБУЛА (22 август—21 сентябрь)
Бирор нарсага ўта ишқибоз бўлганлар бу ҳафта эътиборларини бирмунча жиловлаб олишлари лозим. Негаки шу кунларда диний мутаассиблик ҳам, дунёвий масалалардаги ишқибозлик (фанатизм) ҳам яхшиликка олиб келмайди. Фалокат, аксарият ҳолларда ўйламай қўйилган қадам остида бўлади.

ТАРОЗИ (22 сентябрь—21 октябрь)
Кўп вақтдан буён, нописандлик билан қараб келганингиз ички салбий туғён кутилмаганда ўзини кўз-кўз қилади. Бундан ўзингиздан кўра атрофингиздагиларнинг кўпроқ саросимага тушиши эҳтимоли йўқ эмас. Шу боис ҳафта бошидаоқ биринчи галда, саломатлигингиз ҳақида ўйланг.

ЧАЁН (22 октябрь—20 ноябрь)
Молиявий муаммолар ечилиб, кўндалик иқтисодий чиқимлар каттиқ ташвиқга солиб қўйиши мумкин. Бунинг устига баъзи қўни-қўшнилар, ишхонангиздаги айрим ноқобил «дўст»лар билан муносабатингизда салбий ўзгариш юз бериши эҳтимоли тутилмоқда. Ҳафтанинг иккинчи ярмида асабларингизга дам берсангиз, ёмон бўлмайди.

ЁЙ (21 ноябрь—20 декабрь)
Бу ҳафта ўта дабдаба, спиртли ичимликлар билан ўтказиладиган кунгилочардлардан олисроқда юринг. Бу, биринчи навбатда ҳамёнингизга катта зарар келтирса, иккинчидан таниш билишларингиз олдида бебурд қилиб қўяди. Энг ёмони, айрим шериқларингизнинг сизга бўлган ишончини йўқотади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (21 декабрь—20 январь)
Тасодифдан эҳтиёт бўлинг. Аксарият «эчки»ларнинг оғизлари «ошга» текканда «бўринлари қонаши» эҳтимоли йўқ эмас. Шу кунларда имкони бўлса, узоқ сафарга чиқманг. Сув ҳавзалари, баланд тоғларда дам олмасликни тавсия қиламиз. Уй шароитида оғир қул меҳнатини талаб қиладиган ишларга ҳам таваккал қил урманг.

КОВҒА (21 январь—19 февраль)
Кутилмаган жойда сизни сотиб қўядилар. Сирлари ошкор бўлганда бунга ўзингизнинг хатти-ҳаракатингизни сабаб қилиб кўрсатишлари ҳам ҳеч гап эмас. Шундай иш тутингки, рақибларингиз бирор ишингизнинг «бўш»ерини топиша олишолмасин. Акс ҳолда уларга ўзингиз қўл-оёғингизни боғлаб оласиз.

БАЛИҚ (20 февраль—21 март)
Ишларингиз ўнгидан келаётганидан каттиқ қувонманг. Сизни ташвишга қўйишни «ўйлаётганлар» ҳам йўқ эмас. Ҳар бир ҳаракатингизда аниқ ҳисоб-китоб бўлиши шарт. Фақат бировнинг ҳисобидан фойда олишга, кимдандир ўзиб кетишга уринманг. Бу ҳаракатларнинг барчаси сизга қарши самара беради.

* * * *

● Муҳаммад ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига

КАЛОМ ИЛМИНИНГ СОҲИБИ

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳанафий ас-Самарқандий ал-Мотуридий – Ислом динининг назарий асосларини (усул ад-дин) ва фиқҳ асослари ҳамда манбаларини ўрганадиган (илм усул ал-фиқҳ) соҳаси бўйича ҳанафия мазҳабининг йирик фақиҳи (қонуншуноси), калом илмида янги бир йўналиш – мактаб яратган йирик аллома. Самарқанд яқинидаги Мотурид (бу сўз арабча «ҳоҳлаган нарсанг» маъносига эга) маҳалласида 870 йили туғилган. Самарқандда ҳанафия мазҳаби қонуншуносларидан фиқҳ илмини ўрганди. В. Бартольднинг ёзишича, Мотуридий Самарқандда яшаган олим Муҳаммад ибн Фазлнинг шогирди бўлган. Кейинчалик ўзи шу ерда фиқҳ ва каломдан дарс берган. Ҳижрий 333 ёки 335 (милодий 944 ёки 946) йили Самарқандда вафот этган.

Мотуридий Қуръон тафсири, калом, фиқҳ илми усуллари соҳасида бир қанча китоблар ёзиб қолдирган. Улардан «Китоб ал-улус» («Фиқҳ асослари китоби», «Китоб таъвилот ал-Қурон» (Қуръон тафсири китоби), «Шарҳ фиқҳи ал-Акбар» («Фиқҳ ал-Акбар» шарҳи»), «ат-Тавҳид» («Худонинг ягоналиги ҳақида»), «Китоб ал-мақолат» («Мақолалар китоби»), «Маъхуз аш-шароиъ» («Қонуншуносликдаги етишмовчиликлар») асарларини кўрсатиш мумкин.

Мотуридийнинг калом соҳасида ихтиро этган таълимоти кейинчалик «Мотуридия» номи билан шуҳрат қозониб, асосан ҳанафия мазҳабига оид мусулмонлар орасида Мовароуннаҳрда кенг тарқалди. Унинг асарларида қарматийлар, равозийлар ва муътазилийлар таълимотлари рад этилади. Мотуридий таълимоти ҳақида ёзишдан олдин у қарши курашган ва улар таълимоти билан қисман келишолмаган фирқа ва чиқишлар ҳақида қисқа сўз юритиш лозим.

Қарматий (кўпл. карматий)лар Шиа мазҳабидаги исмоилийларнинг асосий шохобчаларидан бири бўлиб, IX аср охирида Ироқда вужудга келган, Сурия ва Яманда тарқалган. Улар асосан деҳқонлар, кўчманчи бадавийлар ва ҳунармандлардан ташкил топган. Улар ислом қонун-қоидаларига итоат этмаганлар, уларда масжид бўлмаган, мусулмонлар зиёратгоҳи Қора тош (Каъба)га зиёратни, унга сиғинишни бидъат, бутпарастлик деб ҳисоблаганлар. 899 йили Бахрайини босиб олиб, ал-Ахсо (Шарқий Арабистон)да ўз давлатларини тузганлар. Уларнинг раҳнамоси Ҳамдам ибн ал-Ашъаснинг ўғли Абу Тоҳир Сулаймон (914-943) даврида қарматийлар 930 йили ҳаж вақтида Маккага бостириб кириб, шаҳарни талон-тарож қилганлар, бир неча минг ҳожиларни ва Макка аҳолисини қатл этиб, асирга олганлар, Каъбани вайрон қилиб, қора тошни иккига бўлиб, Бахрайнга олиб кетганлар, фақат 20 йилдан кейин катта тўлов эвазига у Маккага қайтариб берилган.

Равофизийлар (бирл. рофиза) шиаларга, айниқса имомийларга мансуб лақаб бўлиб, «инкор этувчилар», «тан олмовчилар» маъноларига эга. Булар Муҳаммад (с.а.в.)дан кейинги чаҳорёр халифалардан Абу Бакр ва Умар ҳокимиятини тан олмайдилар, пайғамбар ўзидан кейин хазрати Алини ворис қилиб қолдирган, деб даъво қилдилар. Али авлодларидан бўлмиш, ҳазрати Алининг набираси Зайд ибн Али (699-740) даврида равофизийларнинг унинг номи билан боғлиқ зайдия шиа ҳаракати пайдо бўлди. Зайд 739 йили Куфада Умавийларга қарши кўзғолон кўтарди, шиалар унинг атрофига йиғилиб, уни имом деб эълон қилдилар. 10 ойдан кейин Зайд кўзғолони бостирилиб, Зайд 6 январь 740 йили жангда ҳалок бўлади, танасини бутга тортиб михладилар, бошини қирқиб, Дамашққа халифа Ҳишомга (724—743) юборишди. Зайдия оқими пайдо бўлгандан кейин равофизийлар на фақат Абу Бакр ва Умар, балки Умавийлар ва Аббосийлар халифаликларини ҳам инкор этиб, фақат имомийларнигина тан олдилар.

Муътазилийлар (ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар) эса VIII аср ўртасида Араб халифалигида юзага келди. Унинг асосчиси Восил ибн Ато (699—748) бўлган, феодаллар вакиллари бўлган муътазилийлар антик фалсафа ва мантиқнинг усул ва тушунчаларини илоҳиятга тадбиқ қилиб, тасаввуфни инкор этишга ўринганлар. Қуръон ва суннат таълимотини ақл-идрокка мос талқин этишни илоҳият асосларидан бири деб эътироф этганлар, уларини якка худолик (тавҳид) ва адолат тарафдорлари деб атаганлар. Уларнинг таълимотида Қуръон Худо томонидан яратилган (нозил бўлган эмас) дейилади, ирода эркинлиги эътироф этилади. Худони одам тимсолида тасаввур қилиш ва тақдирга ишониш инкор этилади. Бу оқим XI—XII асрларда Хоразмда тарқалди.

Муътазилийларнинг ақл-идрокка асосланган таълимоти ва бир қанча диний-фалсафий йўналишлари кейинчалик пайдо бўлган калом илми — ашъария ва мотуридиянинг ютуғи бўлиб қолди. Муътазилия ўзининг кўплаб йирик раҳнамо ва тарафдорларига эга бўлган. У доим таъқиб остига олинган, Ироқ ва Эронда XI—XII асрларда, Урта Осиёда XIII—XIV асрларга келиб йўқолиб кетган.

Мотуридий тан олган оқим ашъария таълимотидир. Унинг назариётчиси Абдулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий (873—915) калом илмига асос солган. Бу таълимот Қуръон ақидаларига суянган ҳолда, жаннат ва дўзахни азалий мавжуд, инсон ўз қилмишлари учун Аллоҳ олдида жавобгар, деб қарайди. Ал-Ашъарий 100 дан ортиқ асар ёзган бўлса ҳам, улардан иккитаси — «Мақолат ал-исломиййин» («Исломийлар ҳақида мақолалар») ва «ал-Лумъа фи радди ало аҳл из-зиғ ва-л-бидаъ» («Тойганлар ва бидъатчиларга раддия шуъалалари») китоблари бизгача етиб келган.

Мотуридий асарларида каломнинг бир қанча масалаларини Аллоҳга хос аломатлар (илм, қуч-қудрат кабилар) ҳаққонийлиги, мавжудлиги, ҳақидаги ашъария таълимоти тушунчалари асосида ҳал этди, буни Мотуридийга эргашган кейинги олимлар ҳам давом эттирдилар. Қуръони карим маънолари ва фасиҳлиги нуқтаи назаридан азалийлиги, ундаги маънолар, бадиий ифодалар нуқтаи назаридан унинг нозил бўлиши, даҳшатли охиратда ўз вақтида у дунёда Аллоҳ ҳамма нарсанинг шохиди эканлиги, инсоннинг ҳамма қилмиши, касби кори Аллоҳ томонидан тақдирда белгилаб қўйилганлиги, одам ўз ҳоҳиши ва қобилияти туфайлигина уларни узлаштириб олиши мумкинлиги Мотуридий таълимоти асосидир. Лекин ашъарийлардан фарқли ўлароқ, Мотуридий ва унинг издошлари нафақат Аллоҳга хос аломатларнинг азалийлигини тан олдилар, балки инсон қилмиши, хатти-ҳаракатини ҳам эътироф этдилар, муътазилийларга эргашган ҳолда инсонда ҳоҳиш-ихтиёр мавжудлигини, уни иккита қарама-қаршилик (алиститоа ли-з-зиддайн)дан бирини танлаб олиш қобилиятига эга эканлигини қайд этдилар. Улар иймонни Аллоҳни сўз ва қалб билан танишдан иборат эканлиги, уни қандайдир хатти-ҳаракат, диний расм-русум ва шунга ўхшашлар билан боғламаслик лозимлигини таъкидладилар.

Шундай қилиб, бизнинг буюк ватандошимиз Муҳаммад Мотуридий ўз салафлари Имом Бухорий, Имом Термизийлар йўлини тутиб, соф Ислом ва унинг ҳанафия мазҳабини еқлади ва ҳимоя қилди. Исломга ва унинг қонун-қоидаларига зид таълимотларга қарши курашди. Унинг таълимоти — мотуридия нафақат Моваруннаҳр, балки Ҳиндистон ва Туркияда кенг тарқалган. Ал-Ашъарий таълимоти билан Мотуридий таълимоти ўртасида худди шофеий ва ҳанафия мазҳабидаги каби кескин фарқлар бўлмаган, буларнинг ҳар иккиси ҳам ҳанафия мазҳаби учун курашган алломалардир.

Мотуридий ҳаёти ва ижоди Шарқ ва Ғарб исломшунос олимлари томонидан ўрганиб келинди, унинг ҳақида бир қанча китоб ва мақолалар чоп этилди. Улардан Абу Узба ар-Равзанинг «ал-Бахия фи мо бай-а-ашоира ва-л-мотуридия», А. Шайхзоданинг «Китоб назм ал-фароид ва жамъ ал-фавоид фи баён ал-масоил, аллативаккa фихо ал-ихтилоф байн ал-мотуридия ва-л-ашъария» каби араб тилида ёзилган ва Оврупо олимлари томонидан инглиз, немис тилларида нашр этилган бир қанча тадқиқотларни кўрсатиш мумкин. Унинг ҳақида инглиз тилида чиқаётган «Ислом энциклопедияси»да маълумот берилган.

Мустабид Шўро тузуми даврида бошқа буюк муҳаддис, муфассир олимларимиз қаторида Мотуридий ҳаёти ва ижоди ҳам ўрганилмади, унинг ҳақида бирорта мақола ёзилмади ҳам. Ҳатто «Ўзбек энциклопедияси»да ҳам олимнинг номи йўқ. 1969 йили Самарқанднинг 2500 йиллик тўйи шарафига марҳум шарқшунос Ҳ. Ҳикматуллаев билан «Самарқандлик олимлар» деган рисола чоп этдик ва имкониятдан фойдаланиб, Мотуридий ҳақида қисқа маълумот бердик.

Аллоҳга шукроналар бўлсинки, Мустақиллик туфайли буюк алломаларимиз номи тикланмоқда, таваллуд топган йиллари нишонланмоқда, мақбара, масжид ва мадрасалари таъмир этилиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилмоқда. Бу йил шонли республикамиз халқи икки буюк сиймо — Муҳаммад Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги ва Бурхониддин Марғиноний таваллудининг ҳижрий ҳисобда 910 йиллигини нишонлайди. Ҳозирги кунда бу шонли саналар шарафига бутун республикамиз, айниқса олимлар туғилган Самарқанд ва Марғилонда катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ҳожи Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор.

Мулоҳаза учун мавзу

ҲИЁНАТНИНГ КЎЧАЛАРИДА

У ўғлини йўлдан итариб, куйманаётган хотинининг олдига борди.
— Келдингизми?
— Нима ишинг бор, келаманми, йўқми?
— Сурадим-да.
— Сурама!
У гандираклаб ариққа йиқилиб тушишига озгина қолди.
— Сенга қарасам кунглим айнияпти, хотин. Кимга ўхшайсан, афтингга қара.
У қисилиб кетгандай қўйлаги тугмасини очди.
— Менга нимадир етишмаяпти, нимадир...
— Дадаси, неча кундан бери тайинлайман, бугун болаларингизга ош қилиб берай дедим.., — деди секингина эрининг важоҳатидан ҳайиқиб...
— Билиб туриб айтасан-а... иш бўлмай турибди, пулни қаердан оламан, ё ўғрилик қилайми? А, айт, ўғрилик қилайми? — бақира кетди эри.
— Бўпти-бўпти, бақирманг, тушундим... Ҳеч нарса керакмас. Ҳеч нарса...
Хотиннинг томоғига нимадир тиқилиб, нафас олиши қийинлашди. Қуйилиб келган кўз ёшларини артди...
— Ҳа, нимага йиғлайсан? — Дадасининг жаҳл билан онасига туширган муштини кўриб, болалар йиғлаб юборишди.
— Дада, урманг, дадажон, ойимни урманг... Ош емаймиз, ош демаймиз.
Уччала бола она ва ота ўртасида туриб олиб зор-зор йиғларди.
— Ҳа, падарингга лаънатлар... яхшиликни билмаган... Нимангни кам қип қўйдим... Сандақа хотинни учраштирган кунга минг лаънат. Хотинмисан... уйга келсанг ширин гап йўқ...
Ҳали у кам-ҳали бу кам... Э... қоч-э, — болаларига қўлини бигиз қилиб бақирди. — Сенларам кўзимга кўринма. Ҳамманг бир гурсаллар, оёғимга тушовсаллар. Эҳ, беш кунлик ҳаётда нима кўрдим, нима?! Қадримга етмайсанлар, қадримга... эҳ, шундай хотинлар борки...
Нимадир ёдига тушди шекилли, костюми чўнтагига қўл солди: бир даста пул жойида турибди... Бирдан чеҳраси ёришди...
Ошхона эшиги ёнида рўмоли учини қимтиганича турган аёли ва унга маҳкам ёпишиб олган болаларига эътибор ҳам қилмай, гандираклаганича, «етишмаётган нарса»сини қидириб кетди. Бир неча маҳаллани кезиб, ўша ҳар доимгидай ўзи каби «яхши хотин»ни излаб келиб-кетувчи тунги шарпалар томон юрди. Бу сафар назарида улар кўпайишиб қолгандай туюлди. Негаки, эшик олдида бир неча машиналар ҳам турарди.
Ҳар доимгидай уни аёл нозу карашмалар билан кутиб олди.
«Соғинтирб қўйдингиз-ку, ака». Унинг юраги ғалати уриб кетди. «Мана буни хотин деса бўлади, хотин эмас, офатижон».
— Қанақасидан бўлсин.., — эркаланиб чиройли табассум қилди жувон.
— Сизга ёққанидан...
У жононга суйкалмоқчи эди:
— Акажон аввал чўзиб қўйинг, — деган гапни эшитди. — Ё унутдингизми? Кеча келишгандик-а?
— Мана жонидан... — У шоша-пиша чўнтагидан боягина оиласидан яширган бир даста пулни қўйди.
— Қанча?
— Уч...
— Шугинами? — лабларини чўччайтириб эркаланди жувон...
— Буни ҳам қарзга олдим. Иш бўлсин, сени бошдан-оёқ тилла-зарга урайман... Лекин мендан бошқа ҳеч ким билан... тушундинми? Келганларни... дугоналаринг қабул қилсин...
— Хўп... сиздан бошқани десам ўлай агар...
У юмшоққина диванга чўзилиб, магнитофондан таралаётган қўшиқ, ичилган майдан сархуш, гўзал жононнинг оғушида, унинг жон олгувчи сўзларини тинглар экан, у оиласини, жовдираб турган болаларини бир зумда унутди. «Мана бу — ҳақиқий ҳаёт!»
Кунлар, ойлар утди... Бу тўбаллик, фахш маскани уни ўзига оҳанграбодай тортарди... Бир гал ҳатто оиласини қўйиб, уйланишга жазм этиб келганида уша жувон узга йигитга нозланарди.
— Ёлғиз сизни дейман...
У қотиб қолди: «Бу қанақаси?»
— Кимсан ўзи менга хўжайинчилик қиладиган? Касбимиз шунақа, пулинг борми, хизмат кўрсатаверамиз...
У бирдан ўзини нохуш сезди, вужудида қандайдир оғриқ пайдо бўлди, оёқлари мажолсиз, боши айланиб, кўнгли беҳузур бўла бошлади... Зўрга судралиб келиб, уйга кирганида, ҳаммаёқ зим-зиё, кимсасиз ҳовли ютаман, дерди. Ҳар куни қалтак ейишдан, тирикчилик важидан зада бўлган хотин болаларини олиб, онасиникига кетган, у бундан хурсанд ҳам бўлган, чунки ҳар кунги ғалвалардан қутулган эди-да...
Энди эса... Туни билан унга парвона бўладиган, бир пиёла иссиқ чой тутадиган меҳрибони йўқ. Бунинг устига ички аъзоларига тошган қандайдир яралар кун сайин кўпайиб, азоб бера бошлаган эди. «Нималар қилиб қўйдим?.. Покиза хотинимни беҳуда ҳақорат қилдим. Оқибат... касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деб бу шармандали касаллик... Қулоғи остида хотини, болаларининг овози эшитилгандай бўлди:
— Дадаси, келдингизми? Дадажон касалмисиз? Қаерингиз оғрияпти?
— Толибжон, ўғлим. Малоҳат... Қанисизлар, болаларим, қанисизлар?! Мени кечиринглар...
Юқоридаги воқеа ҳикоя эмас, бор ҳақиқат... Кейинги пайтда шайтон йўлига кириб, оиласи, фарзандлари ризқини қийиб, топганини нопок, аҳлоқсиз аёлларга сарфлаб, ўз соғлиғини, маҳалла-кўй ўртасидаги обруини, қоларверса, инсон, деган улуғ номини бўлгаётган эркаклар тез-тез учраб турибди. Улар бунга турли баҳоналарни рўкач қилишади. «Дўстим бошлаб келди», «Бир қизиқиш билан», «Кўнгил очиш учун», «Хотиним яхши эмас» деган гаплар билан ўз гуноҳларини енгиллатмоқчи бўлишади. Афсуски, бу баҳона эмас, ҳамма айб уша аҳлоқсиз эркаклар маънавиятининг қашшоқлиги, дунёқарашининг торлиги, яхши тарбия кўрмаганидандир. Бундай оталар фарзандларига ўз хатти-ҳаракатлари билан «ибратли тарбия» берганликларини англаб етяптилармикан?
Бу фоний дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Вақти келиб, ҳар биримиз ножўя босган қадамимиз, нотўғри сўзлаган тилимиз, нопок ишларга урган қўлимиз учун яратганнинг олдида жавоб берамиз.
Эътибор берганмисиз? Муштдеккина қуш тумшуғида полопонлари учун егулик ташийди. Еки чумолига қаранг. Узига уч-турт баравар чиқадиган озуқани устига ортмоқлайди. Оддий жонзотки, шу қадар уйим-жойим, болам, деб турганда биз киммиз. Одамзотмиз-ку!
Бу ҳақда ҳалол, покиза умр йўлдошини инсонийлик қиёфасини бўткул йўқотган тубан аёлларга (уларни аёл деб аташга ҳам тил бормайди) алмаштираётган, нафақат оиласи, балки жондан азиз фарзандлари ризқига ҳам ҳиёнат қилаётган, босаётган қадами тўғрисида ўйлаб қурмаётган айрим эркакларимиз мулоҳаза қилиб, яшашдан мақсад нима эканлиги тўғрисида фикр қилсалар, айни муддао бўлар эди.
Қаранг, ана бу эркак ишдан уйига ошиқяпти, қўлида бозордан қилган харидлари тўла халта... мана буниси эса... қўлида яримталик... Узини шашлиқхонага урди... Яна бирови «макка тикиш»га кириб кетди. Ана униси эса... «кўнгил очишга».
Сизга қай бир эркак тутган йўл маъқул? Меҳрибон ота, вафоли турмуш ўртоқ, виждонли, ҳақиқий Инсоннинг жавоби эса кундайин равшан. Бундай Инсонларга Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин!
Яна бир гап: ота-оналарнинг ва қоларверса маҳалла қўйнинг эътиборсизлиги туфайли айрим успиринлар ҳам ана шундай тубанлик кўчасига кириб қолмоқдалар. Уларни маҳаллалардаги, турар жойлардаги ана шундай фаҳшга ботган уйлар олдида ҳар кун учратамиз. Лекин негадир юзимизни бурамиз. «Палончини ўғлими? Айнибди-да» деймиз-у, ўтиб кетаверамиз. Шу болалар келажагимиз эгалари эканлигини унутиб қўямиз, чоғи. Давлатимиз болаларимиз саломатлиги, маънавий баркамоллиги тўғрисида беқиёс ғамхўрликлар кўрсатаётган бир пайтда носоғлом муҳитда усаётган, ножўя йўлларга қадам босаётган фарзандлар тақдирига бундай бефарқлигимиз, Шарқона удумларимиз — миллийлигимиз, ҳаё, ибо, қадриятларимизга беписандлик, буюк давлат қураётган ўзбек халқи номига номутаносибдир.
Авлоди соғлом юрт қудратлидир. Буни шу азиз Ватан тупроғида яшаб, ҳавосидан нафас олаётган ҳар бир Инсон тўла англаб етгандагина эртамиз янада гўзал ва бахтли бўлиши шубҳасиз.

Лобар РУСТАМОВА.

«Тошвилйўловчитранс» томонидан жамоат транспортида бепул юриш учун Турсуматов Абдусаттор Абдуғаппорович номига берилган №126454 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

АДОЛАТ
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ, Акбарҳўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ, Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Илҳом СИДДИҚОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140, Буюртма Г— 537, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Кўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди 0.00.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.